

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
ББК 65.9(5Ўзб) Б20

БАЛТАБАЕВА НИГОРА АБДУСАТТАРОВНА

**БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ РИВОЖЛАНИШИ ШАРОИТИДА
ТАДБИРКОРЛИК МУҲИТИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ЙЎНАЛИШЛАРИ**

5A340102 – “ТАРМОҚ ИҚТИСОДИЁТИ” (саноат)

МАГИСТР

академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар:

и.ф.н.доц. Мирзакаримова М.М.

Фарғона – 2009

Мундарижа

Кириш	3
I-боб. Тадбиркорликнинг назарий асослари.	8
1.1. Тадбиркорлик тушунчасининг моҳияти, турлари ва белгилари...	8
1.2. Тадбиркорликнинг асосий тамойиллари ва қоидалари.....	13
1.3. Тадбиркорликнинг ташкилий иқтисодий шакллари.....	21
1.4. Тадбиркорликни ривожлантиришнинг хорижий тажрибаси.....	36
II-боб. Ўзбекистонда тадбиркорликнинг жорий ҳолати ва ривожланиш хусусиятлари.	43
2.1. Ўзбекистонда тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари.....	43
2.2. Тадбиркорлик муҳити ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили... .	49
2.3. Жаҳон молиявий иқтисодиёти шароитида Ўзбекистонда тадбиркорликнинг ўрни ва ривожланиш кўрсаткичлари таҳлили.....	57
2.4. Кичик корхоналарнинг самарадорлик кўрсаткичларининг таҳлили.....	59
III-боб. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози даврида тадбиркорликни ривожлантириш йўналишлари	64
3.1. Тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб – қувватлаш чора-тадбирлари.....	64
3.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг инвестицион фаоллигини ошириш йўллари.....	67
3.3. Иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва санациялаш масалалари.....	73
Хулоса.....	78
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	81
Илова.	

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Бозор иқтисодиёти эркин тадбиркорликка, соҳибкорликка асосланган иқтисодиётдир. Шунинг учун ҳам тадбиркорлик фаолиятининг шаклланиши ва ривожланиши учун иқтисодиётда тадбиркорлик муҳитини яхшилашга ҳамда шу орқали иқтисодиёт тармоқларини янада даромадлигини ошириш, аҳолини иш билан бандлигини яхшилаш, фаровонлигини юксалтиришга эришишдир. Бундай устувор натижаларга эришишда мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига ҳамда шу асосда, иқтисодий ўсишга ва миллий иқтисодиётни барқарор ривожланишини таъминлашга қаратилгандир.

Президентимиз И.А. Каримов ўз асарларида “Кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради” деб сўзлаган эдилар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг ихчамлиги ва яширин бозор талабини тезда ўрганиши, ҳаракатчанлиги туфайли кам маблағ сарфлаб маҳаллий эҳтиёжни қондириш учун турли зарур маҳсулотлар ишлаб чиқаради ва уни бозорга таклиф қила олади. Унинг яна бир муҳим ижобий томони ишлаб чиқаришда асосан маҳаллий ресурслардан фойдаланади, бу эса маҳсулот таннарҳининг бирмунча арзон бўлишини таъминлайди.

Дарҳақиқат, муттасил ўзгариб турадиган бозор конъюктураси шароитида хўжалик фаолиятида аниқ йўналишларни танлаш муаммоси вужудга келади. Шунинг учун ҳам, тадбиркорлик субъектлари учун қулай тадбиркорлик муҳитини яратилиши, такомиллаштирилиши юқорида кўзда тутилган мақсадларга эришишга кўмаклашади. Бу эса ҳозирги пайтда энг зарур ва долзарб масала бўлиб турмоқда.

Юқоридагиларнинг барчаси танланган илмий-тадқиқот яъни магистрлик диссертациясининг мавзусини ҳозирги кунда долзарб эканлигидан далолат беради.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари: Бозор иқтисодиётида тадбиркорлик муҳитига таъсир этувчи омилларни ўрганиш асосида уларнинг амал қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот мақсадидан келиб чиққан ҳолда диссертацияда қуйидаги вазифалар қўйилди:

- Миллий иқтисодиётимизда тадбиркорликнинг назарий методологик асосларини ўрганиш ва унинг ижтимоий-иқтисодий аҳамиятини ёритиб бериш;

- Ўзбекистонда тадбиркорликнинг жорий ҳолати ва ривожланиш хусусиятларини ўрганиш ҳамда уларни такомиллаштириш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқиш;

- Республикада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини танқидий нуқтаи назардан ўрганиш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни инвестицион фаоллигини оширишда юзага келаётган муаммоларни бартараф этиш йўллари кўрсатиш;

- Иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва санациялаш юзасидан амалий таклифлар ишлаб чиқиш ва ҳоказолар.

Тадқиқотнинг предметини мамлакатимизда кичик бизнеснинг сўнгги йиллардаги фаолияти, уларда юзага келаётган муаммолар ва уларнинг ечими борасидаги иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг назарий жиҳатлари ва унинг ижтимоий-иқтисодий мазмунини ёритишда алоҳида аҳамиятга эга бўлган иқтисодчи олимлар Чжен В.А., Горфинкель В.А., Дэн Штайнхофф, Джон Баерджнес ва мамлакатимиз иқтисодчи олимлари Ғуломов С.С., Абдуллаев А., Х.Айбешов,

Қ.Муфтайдинов, Ғозибеков Д.Ғ., Бекмуродов А.Ш., Сатторов С., Тўраев Ж., Солиев К., Рўзиев С. асарлари, илмий мақолаларида ифодаланилган.

Тадқиқотдаги илмий янгиликлар: Диссертация ишида объект бўлмиш, Республикада кичик бизнес хўжалик субъектлари, уларнинг фаолияти ҳамда ривожлантирувчи омиллари натижаларидан келиб чиққан илмий янгиликлар қуйидагилардир:

- “Тадбиркорлик”, “хусусий тадбиркорлик”, “бизнес”, “кичик бизнес” тушунчаларига муаллифнинг ўз фикр мулоҳазалари билдирилган ва илмий жиҳатдан асослаб беришга ҳаракат қилинган;

- Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олинган ҳолда уларни сиёсат, жамият ва иқтисодиёт учун фойдаси нуқтаи назаридан амалий таклифлар ишлаб чиқилган;

- Республикамизда замонавий кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ва комплекс ривожлантириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг назарий ва услубий асоси. Ўзбекистон республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари, маърузалари, фармонлари, мамлакат Олий Мажлиси сессиясида қабул қилинган қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, расмий ҳужжатлар, макроиқтисодиёт Вазирлиги ва Статистика Давлат Қўмитасининг маълумотлари, вилоят статистика бош бошқармасининг ҳисоботлари, илмий мақолалардан диссертацияда кенг фойдаланилган. Диссертацияда тадқиқотнинг таркибий, иқтисодий, функционал ва статистик таҳлил усуллари, мантиқий схемалар ва диаграммалардан кенг фойдаланилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертацияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни шакллантириш ва ривожлантириш масалалари тўғрисида ишлаб чиқилган илмий-назарий ғоялар, амалий таклиф ва тавсиялар республикамизда кичик бизнес самарадорлигини ошириш йўллари аниқлашга ёрдам беради.

Илмий ишдаги илмий ва амалий ғоялар Республика ва ҳудуд тадбиркорлари фаолиятида бевосита қўллаш учун тавсия этилади.

Тадқиқотнинг таркибий тузилиши ва ҳажми. Диссертация тадқиқоти кириш қисми, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ва иловадан иборат бўлиб, ҳажми 80 бетни ташкил этади.

I-боб. Тадбиркорликнинг назарий асослари.

1.1. Тадбиркорлик тушунчасининг моҳияти, турлари ва белгилари.

Яқин ўтмишда биз жамиятимиз капитализмдан социализмгача бўлган йўлни муваффақиятли равишда босиб ўтиб, ривожланган социализм даврига кирди ва эндиликда шубҳасиз коммунизм сари қадам ташлаб бориши керак деб ҳисоблар эди. Лекин ҳаёт бу фикрни нотўғри эканлигини кўрсатди.

Бугунги кунда Республиканинг кўпгина шаҳарлари ва хусусан пойтахтидаги бозор ва савдо расталарини айланиб чиқадиган бўлса, бунга бутунлай аксинча манзарани кўриш мумкин, лекин, афсуски, бу - янги бозор механизми тўла ғалаба қозонди деган гап эмас, хали. Лекин ҳеч ерда, ҳеч нарса тез ва осон қад кўтара қолмайдида. Жамиятнинг эскича русумдан янгичасига ўтиши, одатда, бемашаққат ва биз истаганча тез битмаслиги жаҳон тажрибасидан маълум. Президентимиз кўрсатиб берган беш тамойил ва бозор механизмига сакраб-сакраб эмас, балки босқичма-босқич ўтиб бориш – ўз иқтисодиётимизнинг моделини шакллантириш ва маданиятга эришган жамият қуришнинг асосига қуйидаги хусусиятлар ана шулардир. Булар тамомила тушунарлидир, улар Республиканинг ўзидагина эмас, балки жаҳоннинг бошқа мамлакатларида ҳам тегишлича қўллаб-қувватланмоқда.

Бир сўз билан айтганда, бозор муносабатлари асосларини яратиш учун, амалга оширилаётган ислохотларнинг ҳаётийлигини таъминлаш учун республикада ҳозир жуда кўп ишлар қилинмоқда.

Бозор иқтисодиёти ривожланган ҳамма мамлакатларда тадбиркорлик фаолияти билан бизнесни ривожлантиришнинг зарур шарти хусусий мулкчиликдир, лекин тадбиркор билан бизнесмен ҳамиша ҳам хусусий мулк эгаси бўлавермайди. Тадбиркорлар билан бизнесменлар орасида мулк эгалари билан бир қаторда менежерлар, ишлаб чиқариш ташкилотчилари ва ишга астойдил берилган бошқа ҳар қандай кишилар ҳам бор.

Ҳозирги шароитларда хусусийлаштириш тадбиркорликнинг асоси бўлмиш хусусий мулкчиликнинг қайта тиклашга даъват этилган.

Хусусийлаштириш ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал қилиш, бозор муҳитини шакллантириш воситасидир. У рақобатни юзага келтириб, тадбиркорларга ва турлича мулкӣ шаклдаги корхоналарнинг раҳбарларига эркинлик бериши, инновацион типдаги янги тараққиётнинг ижтимоий базасини шакллантириши керак.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкчиликни ҳимоя қилишни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чоралари тўғрисида” 1994 йил 21 январдаги Фармони тадбиркорлик ва бизнес фаолиятини кенгайтириш учун имкон очиш билангина қолмай, балки Республика халқ хўжалиги мажмуасининг жаҳон бозорига мос равишда кириб бориши учун ҳам йўл очади. Шуниси қувонарлики, бу Фармон тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун аҳолининг барча ижтимоий гуруҳларига тенг имкониятлар беради.

Тадбиркорлик фаолияти – тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкӣ жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускор фаолиятдир.

Тадбиркорлик ва кичик бизнес Республиканинг ўзидаги ишлаб чиқаришга, жумладан ундаги ресурсларга—ҳом ашё, моддий, ақлий ва бошқаларига таянмайдиган бўлса, фикримизча, раванқ топиши бир қадар қийин. Лекин ҳом ашё ресурслари катта бўлмагани ҳолда яхши ривожланиб, раванқ топаётган мамлакатлар ҳам бор (масалан, Япония, Тайван ва бошқалар).

Тадбиркорнинг асосий мақсади— ўз истеъмолчиларига эга бўлиш йўлида товарга бўлган эҳтиёжни аниқлашдан иборатдир. Тадбиркор ўз истеъмолчиларини шакллантиришда қуйидаги асосий омилларни ҳисобга олиши керак:

- товарнинг янгилиги ва унинг ҳаридор манфаатига мос келиши;
- товар ёки хизматларнинг сифати;

- товар ёки хизматларнинг нархи;
- товарнинг универсаллик даражаси;
- товарнинг ташқи кўриниши, унинг харидор талабларига мослиги;
- сотувдан кейинги сервис хизматларидан фойдаланиш имкониятлари;
- товарнинг қабул қилинган умумий ёки давлат стандартларига мослиги;
- товар ва хизматлар рекламасининг жозибалилиги, харидор диққатини ўзига жалб қилиши ва ҳоказо.

Бозор муносабатлари тизимида кичик бизнес қуйидаги алоҳида хусусиятлари: ишлаб чиқариш ҳажми, ишловчиларнинг сони ва қайси саноат тармоғига тегишлилиги билан тавсифланадиган тадбиркорлик шакли сифатида намоён бўлади. Кичик бизнесга ўзининг мустақил мулки ва хўжалик мустақиллигига эга бўлган ва ўзининг фаолияти соҳасида юқори ҳисобланмаган фирмалар киради.

Тадбиркорлик тараққиётини таъминловчи асосий омиллар қуйидагилардан иборат:

1. Халқ хўжалиги тармоқларининг бозор муносабатларига ўтиши ва истеъмол бозорининг яратилиши. Бу манфаат ва талаб доирасини кенгайтиради ҳамда фақат оммавий талабдаги товар ва хизматларга бўлган эҳтиёжини яратиб қолмай, балки индивидуал талаб бўлган нарсаларга эҳтиёжни ҳам туғдиради. Бундай талаб ва эҳтиёжларни тез ва сифатли қилиб фақат кичик корхоналаргина қондира олади;

2. Тадбиркорларнинг мулки, ҳуқуқи ва иқтисодий манфаатларининг ҳимояланишига ҳуқуқий ва давлат таркибидаги идоралар қафолатининг мавжудлиги;

3. Ишбилармонликнинг давлат томонидан солиқ, молиявий кредит ва амортизация сиёсати орқали муносиб қўллаб – қувватланиши;

4. Давлат ва муниципал (маҳаллий ўз – ўзини бошқариш) корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш ва кичик фирмаларни бунёд этиш;

5. Камдаромад, паст рентабелли ва зарар кўриб ишловчи корхоналарнинг банкротлик (инқироз)га учрашининг аниқлиги ва улар асосида хусусий кичик корхоналар ташкил қилиш;

6. Давлатнинг ижтимоий – сиёсий жиҳатдан барқарор ҳолати (бу хорижий капитални жалб қилишда кўмаклашади);

7. Жамиятнинг тадбиркорлик тўғрисидаги ижобий мурувватли фикри;

8. Ишбилармонликнинг ташкилий – ҳуқуқий шаклини тўғри танлаш;

9. Бозор иқтисодиёти инфраструктурасининг тезкорлик билан тараққий топиши.

Тадбиркорнинг шахсий хусусиятлари, қобилиятлари, имкониятлари ва ишга доир сифатлари тадбиркорликнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлади. Тадбиркорнинг ишга доир сифатлари қуйидаги тамойилларга асосланиши керак:

—биринчидан, бозорнинг товарлар ва хизматлар билан таҳминланиш даражасини таҳлил қилиш йўли билан иқтисодий хўжалик тизимида ўз ўрнини топиш;

—иккинчидан шахсий ишлаб чиқариш тузилмасини яратишга тайёрлик қобилияти (у фойда олишга имкон берувчи товарлар ва хизматларни ишлаб чиқаришга қаратилган бўлиши керак);

—учинчидан, маркетинг тадқиқотлари натижаларидан келиб чиққан ҳолда, дастлабки тадбиркорлик ҳисоб-китобларини амалга ошириш (бунинг асосида тадбиркор ғояни амалга ошириш билан шуғулланиш кераклиги ҳақида хулоса чиқаради);

—тўртинчидан, тадбиркорлик лойиҳасини амалга оширишда раҳбарликни тўғри йўлга қўйиш қобилияти (яъни, мақсадлар ва вазифаларни шакллантириш, мақсадга эришишда қўл остидагилар, ҳамкасблар, ўзининг яқинлари ва шериклар иштирокини мувофиқлаштириш);

—бешинчидан, янги техник, технологик ғояни биринчи бўлиб ҳаётга татбиқ этиш ҳамда ушбу ғоядан амалда фойдаланиш, ундан қандай якуний натижа, маҳсулот ёки хизматлар олиш мумкинлигини тасаввур қила олиш.

Тадбиркорлик фаолияти ишлаб чиқариш воситалари эгаси ҳамда мулкдан фойдаланиш ва бошқариш ҳуқуқи берилган менежер томонидан амалга оширилиши мумкин.

Мулкдорлар сонига қараб тадбиркорлик фаолияти якка, оилавий ва жамоа шаклида бўлади, бунда фаолият кўрсатиш доирасига кўра у ёки бу шакли афзал бўлади. Бозор иқтисодиёти шароитида қишлоқ хўжалиги соҳасида кўпроқ тадбиркорликнинг оилавий шакли (тури) кенг тарқалган, бизнес соҳасида эса янги технологияни тадбиқ этишга асосланганлиги сабабли кашфиётчини ўзи тадбиркор ролини бажаради.

Тадбиркорлик фаолиятининг мазмуни ва унинг функционал йуналишига кўра қуйидаги асосий турларга ажратиш мумкин: ишлаб чиқаришни бошқариш, маҳсулотни сотиш (реализация қилиш), ишлаб чиқариш жараёнини амалга ошириш, молиялаштириш ва ҳ.к.з.

Тадбиркорлик фаолиятининг турларига кўра: ишлаб чиқарувчи, тижорат, воситачилик, маслахат берувчи (консультация) ва бошқаларга бўлинади.

Фаолият кўрсатиш турларининг сонига кўра тадбиркорлик биртармоқли ва кўптармоқлига бўлинади.

1.2. Тадбиркорликнинг асосий тамойиллари ва қоидалари.

Тадабиркорликнинг ривожланиши, ўз навбатида, бир қатор шароитларнинг мавжуд бўлишини тақозо этади, Улар асосида умуман товар ишлаб чиқаришнинг умумий ижтимоий –иқтисодий шарт-шароитлари ётади.

Биринчидан, тадабиркор хўжалик юритишда унинг субъектларида хўжалик юритишнинг у ёки бу тўрини танлаш бўйича, ишлаб чиқариш дасту-рини шакллантириши, мослаштириш, манбаларни танлаш, ресурс топиш, маҳсулот сотиш, уларга баҳо белгилаш, фойдани тасарруф қилиш ва шу кабилар бўйича маълум ҳуқуқ ва эркинликлар мавжуд бўлишини тақозо этади.

Иккинчидан, тадабиркор ишлаб чиқариш воситаларига, ишлаб чиқарилган маҳсулот ва олинган даромадга мулкчилик ҳуқуқига эга бўлиши керак. Тадабиркорлик фаолияти мулкдорнинг ўзи томонидан ҳам, унинг мол-мулки асосида иш юритувчи субъект томонидан ҳам амалга оширилиши мумкин.

Хўжалик юритиш ҳуқуқи, яъни мол-мулкидан фойдаланиш ва даромадни тасарруф қилиш тадабиркор томонидан такрор ишлаб чиқариш жараёнини бошқаришининг муҳим шарт-шароитини ташкил қилади.

Учинчидан, хўжалик юритиш йўлини эркин танлаш, даромадни инвестициялаш имконияти ва шу кабиларни реал таъминлайдиган маълум иқтисодий муҳит ва ижтимоий сиёсий шароит яратиши зарур.

Тўртинчидан, эркин тадабиркорлик, мулкчилик ва ўзлаштиришнинг турли-туман шакллари ва турларини тақозо қилади. ўз навбатида турли-туманлиликнинг ўзи объектив ходиса бўлиб, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши оқибати сифатида майдонга чиқади.

Етарли молиявий манбаларга, яхши маълумот ва малакали тайёргарликка эга бўлиш, умумий тижорат қонунчилиги, солиқ бўйича имтиёзлар, тадабиркорлик муҳити ва уни ривожлантиришда жамият манфаатдорлигининг мавжуд бўлиши тадабиркорликни ривожлантиришнинг навбатдаги шарт-шароитлари ҳисобланади.

Юқорида кўриб чиқилган барча шарт-шароитлар мавжуд бўлган давлатларда тадбиркорлик яхши ривожланади, акс ҳолда фаолиятнинг бу тури ҳуфёна иқтисодиёт соҳасига ўтиб кетади.

Ишбилармонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг жамият ва республика олдидаги ҳамда ёлланган ишловчилар ва хўжаликдаги шериклари олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига узвий боғлиқдир.

Тадбиркорларнинг мажбуриятлари қуйидагилардир:

- амалдаги қонун ва тузилган шартномадан келиб чиқадиган барча мажбуриятларни бажариш;

- ишга ёлланиб олинаётган фуқаролар билан шартномалар тузиш (агар зарурат туғилса) қонун асосида жамоа шартномасини тузиш. Ёлланган ишловчиларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун касаба уюшмаларига бирлашишлари тўсқинлик қилиши мумкин эмас;

- меҳнат шартномаларида ишловчиларга белгиланган малака даражасини, республика ҳукумати томонидан белгиланган минимал иш ҳақидан кам бўлмаган иш ҳақи миқдорини ва бошқа ижтимоий – иқтисодий кафолатларни инобатга олиш;

- давлат ижтимоий – суғурта фондига ёлланиб ишлаётган шахслар учун суғурта ажратмаларини республика қонунларида кўрсатилган усул ва белгиланган миқдорларда тўлаб бориш;

- амалдаги фойда ва йўриқномалар асосида атроф – мухит (экология) хавфсизлигини, ишлаб чиқариш санитария ва гигиенаси ва маданиятини юксалтириш бўйича чора – тадбирларни амалга ошириш;

- мамлакат қонунларига биноан лицензияланиши кўрсатилган фаолият турларига белгиланган тартибда махсус рухсатнома (лицензия) олиш.

Тадбиркор ишбилармоннинг ташкилий тузилмаси сифатида корхонани вужудга келтиради. Корхона юридик шахс мақомига эга бўлгач, мустақил хўжалик субъект бўлиб, ўз низомига мувофиқ муайян ижтимоий иқтисодий самарадор ва фойда олиш мақсадида асосий айланма маблағларидан фойдаланиб фаолият юритади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг “Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулкчиликни ҳимоя қилишни таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш чоралари тўғрисида” 1994 йил 21 январдаги Фармони тадбиркорлик ва бизнес фаолиятини кенгайтириш учун имкон очиш билангина чекланиб қолмай, балки Республика халқ хўжалиги мажмуасининг жаҳон бозорига мос равишда кириб бориши учун ҳам йўл очади. Шуниси қувонарлики, бу фармон тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун аҳолининг барча ижтимоий гуруҳларига тенг имкониятлар беради.

Давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва иқтисодиётнинг кичик бизнес секторини шакллантиришни жадаллаштириш юзасидан бош ислохотчи сифатида кўп ишларни қилмоқда, уларни ривожлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқмоқда. Айрим чора-тадбирлар аста-секин кучга кириб бормоқда, лекин умуман олганда иқтисодиёт илгари томонга қараб ривожланмоқда, ривожланганида ҳам «сакраб-сакраб» эмас, балки бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос усулида кўзда тутилганидек, босқичма-босқич ривожланиб бормоқда.

Яна бир нарсани назардан қочирмаслик керак, тадбиркорлик ва бизнес республиканинг ўзидаги ишлаб чиқаришга, жумладан, ундаги ресурсларга - хом ашё, моддий, ақлий ва бошқаларга таянмайдиган бўлса, фикримизча, равнақ топиши бир қадар қийин.

Маълумки, ташаббускорлик, тадбиркорлик маълум даражада ижтимоий, моддий, маданий тараққиётнинг асоси ҳисобланади. Шахсий ташаббускорлик рағбатлантириб бориладиган ва тадбиркорлик фаолияти учун қулай ижтимоий-иқтисодий шароит яратиб берилган қатор мамлакатларда (АҚШ, Япония, Германия, Жанубий Корея ва ҳ.к.) юқори иқтисодий натижаларга ҳамда аҳолининг моддий фаравонлигини юқори даражага кўтаришга эришилди. Тадбиркорлик фаолиятини фаоллаштириш юқори иқтисодий ривожланган мамлакатлар билан бир қаторда учинчи жаҳон давлатлари Гонконг, Малайзия, Корея ва ҳ.к.ларга ҳам тааллуқлидир.

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда бу шароитлар маълум даражада ташкил қилинган ва бошқаларини амалга ошириш юзасидан бир қатор тадбирлар олиб борилмоқда.

Хорижий мамлакатлар тажрибалари шуни кўрсатдики, тадбиркорликни ривожлантириш учун қуйидаги шарт-шароитлар зарур:

1. Тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва энг муҳими унга иқтисодий ҳамда ҳуқуқий эркинлик бериш.

2. Жамият фикр-мулоҳазаларига мувофиқ қулай ижтимоий муҳитни шакллантириш (ташкил этиш).

3. Солиқ тизимида мумкин қадар қулайлик туғдириш.

4. Хусусий ва интеллектуал мулкни ҳимоя қилишнинг самарали тизимларини ташкил қилиш.

5. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш инфраструктурасини ташкил қилиш (ўқув марказлари, маслаҳат берувчи, тадбиқ қилувчи, инновация ва ҳ.к.).

Бу борадаги илк фаолиятлар мустақилликка эришган давримиздаёқ бошланган, жумладан, 1991 йили «Тадбиркорлик тўғрисида»ги ва «Корхоналар тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилинишидир. Ушбу қонунларга мувофиқ ҳар бир фуқаро тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир фуқаро иш фаолиятини ташкил қилиши мумкин ва ишлаб чиқараётган маҳсулоти ҳамда олинган фойда юзасидан мустақил равишда маҳсулотлар (кўйлак, мебель, оёқ кийимлари, турли пазандалик маҳсулотлари ва ҳ.к.) тайёрлаши ва сотиши, корхона (фирма) ташкил қилиши, аҳолига ва саноат корхоналарига турли хилдаги пулли хизматлар кўрсатиши, сотиб олиши, сотиши, воситачилик фаолиятини кўрсатиши мумкин. Шунингдек, фуқаролар тадбиркорлик фаолиятида моддий жавобгарликни амалдаги қонун-қоидалар асосида олиб борадилар ва бутун масъулиятни ўз зиммаларига оладилар.

Тадбиркорлар давлат қонунларига зид бўлмаган турли йўналишда фаолият кўрсатувчи корхоналар (фирмалар), ташкилотларни ташкил

этишлари мумкин. Тадбиркор мустақил равишда ишлаб чиқариш дастурини тузиш, ўз маҳсулотига истеъмолчиларни танлаш, уларга Ўзбекистон Республикаси давлат қонунлари ва шартномалари асосида нарх белгилаш, шартномалар тузиш, корхона даромадидан мустақил фойдаланиш, мажбурий тўловлардан қолган қисмига ташқи иқтисодий фаолият олиб бориш ҳуқуқига эга.

Тадбиркор ўз маҳсулотини, хизматини ўзи мустақил белгилаган тариф ва нархларда ёки шартнома асосида ҳамда айрим ҳолларда Ўзбекистон Республикаси қонун-қоидаларига мувофиқ давлат томонидан белгиланган нархларда сотишни амалга оширади.

Давлат антимонопол қонун – қоидаларига мувофиқ бозорда ҳукмрон (устун бўлган) ҳолатни эгаллаган корхона маҳсулотлари нархини бошқариш ҳуқуқига эга. Тадбиркор давлат ва хорижий давлатлар банклари кредитларидан ҳамда тижорат банкларининг чет эл валюталаридан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Тадбиркор мулкчилик шаклидан қатъий назар ишчиларга меҳнат шароитини яратиш ва уларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида давлат қонунида кафолатланган минимал иш ҳақини таъминланган ҳолда мустақил равишда иш ҳақининг шакли, системаси ва миқдорини белгилаши мумкин. Бу фаолиятлардан ташқари Ўзбекистон Республикасида кичик бизнес ва хусусий корхоналар фаолияти доирасида қуйидагилар кафолатланади:

Давлат тадбиркорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний ташаббусларини кафолатлайди. Давлат тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга кафолат беради. Агар давлат ёки унинг органлари томонидан компетенцияга ва қонун талабларига мос бўлмаган акт тузилиб, айрим ҳаракатлар натижасида тадбиркор ҳуқуқлари бузилса, тадбиркор бу актнинг ноқонуний эканлигини эътироф этиш тўғрисида ариза ёзиб судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

Юқоридаги вазифаларни бажариш билан биргаликда Ўзбекистонда иқтисодий ислохот йилларида кичик бизнес ва хусусий корхоналарни

ривожлантиришга ёрдам берадиган ҳукукий шарт-шароитлар ва институционал тузилмалар вужудга келтирилди.

Тадбиркорликни ривожлантиришни қўллаб-қувватлашнинг муҳим омилларидан бири ҳисобланган кичик бизнесни ривожлантиришни инфратузилмаларсиз тасаввур этиш қийин. Республикамизда кичик бизнес ва хусусий корхоналарни қўллаб – қувватлаш учун тегишли бўлган барча инфратузилма элементлари амалда яратилган. Булар турли жамғармалар, товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, кредит ва суғурта ташкилотлари, деҳқон ва фермер уюшмалари, лизинг ва инжиниринг компаниялари, тижорат банклари, технопарклар, маслаҳат ва ахборот хизмати кўрсатувчи турли агентликлар ва хизматлардир.

Бу тузилмалардан бири савдо – саноат палатаси бўлиб, у томонидан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи кичик ва хусусий бизнес субъектларига ўз фаолиятларини ташкил этишда ҳужжатларни расмийлаштириш, моддий-техник ресурслар билан таъминлаш, молиявий ёрдам бериш, уларни ҳукукий ҳимоя қилиш ва ёрдам кўрсатиш ҳамда хўжалик фаолиятларини олиб бориш жараёнларида юзага келадиган турли муаммоларни ҳал этишда маслаҳатлар бериш, уларни зарурий ахборотлар билан таъминлаш ишлари олиб борилади. Юқоридаги вазифаларни амалга ошириш мақсадида ҳозирги кунда савдо-саноат палатаси қошида тадбиркорларга турли хизматлар кўрсатувчи ахборот-маслаҳат марказлари ташкил этилган.

Лизинг бажарадиган вазифаларни ички ва ташқи вазифаларга ажратиш мумкин. Ички вазифалар лизингдан фойдаланувчи корхона даражасида намоён бўлса, ташқи вазифалари эса, умумиқтисодий даражада намоён бўлиб, макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсир этади. Лизинг тизимининг ғоят муҳим томони шундаки, у молиявий тежаш асосида машина ва ускуналарни қисқа муддат ичида янгилашга ёрдам беради. Лизинг халқ хўжалигини чет эл сармояси ва энг замонавий янги технологиялар ҳамда асбоб-ускуналар билан таъминланишига ҳам имкониятлар яратади.

Ҳозирги кунга келиб республикамызда нуфузли лизинг компаниялари ташкил этилди. Буларга «Ўзбеклизинг Интернейшнл», «Ўзавиализинг», «Баракализинг», «Ўзагролизинг», «ЎзКейсмашлизинг» каби лизинг компаниялари мисол бўла олади. Ҳақиқатдан ушбу компаниялар Ўзбекистон бозорида хўжалик юритувчи субъектларни янги технологик ускуналар билан таъминлашда самарали ишлар олиб бормоқда.

Кичик ва хусусий ривожлантириш йўналишларидан яна бири, бу молиявий кўмак бериш ҳисобланади. Бу борада ҳукуматимиз томонидан жуда кўплаб фармойиш ва қарорлар қабул қилинмоқда. Кичик бизнес ва хусусий корхоналарни молиялаштириш имкониятларини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг 2001 йили «Кичик ва ўрта корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, уларга божхона имтиёзлари бериш, банк хизматлари ва бошқа хизматлар кўрсатиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги 366-сонли қарори алоҳида аҳамият касб этади. Шунингдек, «Банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш чора – тадбирлари ҳақида»ги 2001 йил 21 мартда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида мувофиқ, тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобига хусусий бизнесни кредитлаш механизми шакллана бошлади.

Булардан ташқари кичик бизнес ва хусусий корхоналар, фирмалар ва тадбиркорларга микрокредитлар бериш ва уларни олиш жараёнини соддалаштириш, гаров билан таъминлаш талабларини янада енгиллаштириш борасида янги тартиблар қабул қилинди.

1998 йилда қабул қилинган «Хўжалик субъектлари фаолиятининг давлат назорати ҳақида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни кичик бизнес ва хусусий корхоналар фаолиятини назорат органлари томонидан назорат қилишлар сонини кескин қисқартиришга ва мансабдор шахслар томонидан ўтказилган ноқонуний текширишлар учун жиддий жавобгарлик ҳолатини юзага келтиришга имкон берди.

Тадбиркорлик фаолияти самарадорлигини ошириш ва уни кенг тарғиб қилиш ва ёйиш ниятида давлат ахборот маслаҳати, илмий тадқиқот марказлари, инновацион фондлар ва бошқа ташкилотлар тузиб, иқтисодиётнинг ушбу соҳасини ривожланишига ёрдам беради.

Кичик бизнес билан шуғулланаётган тадбиркорлар ва кичик корхоналар йирик товар ишлаб чиқарувчилар билан давлатнинг махсус мададсиз рақобатчи бўлмайдилар.

1.3. Тадбиркорликнинг ташкилий – иқтисодий шакллари.

Бозор иқтисодиётида тадбиркорлик нақадар муҳим ўрин эгалласа унинг шакллари ривожланиши ва тармоқда бўлаётган изчил ривожланишлар ҳам муҳим ўрин эгаллайди. Ўзбекистон Республикасида “Тадбиркорлик тўғрисида”ги қонуннинг 5-моддасига биноан тадбиркорликнинг қуйидаги шакллари мавжуд:

1. Якка тартибдаги тадбиркорлик.
2. Хусусий тадбиркорлик.
3. Жамоа тадбиркорлиги.
4. Аралаш тадбиркорлик.

Якка тартибдаги тадбиркорлик — тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишнинг энг оддий шакли бўлиб, уни ташкил қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 14 февралдаги қарори билан тасдиқланган „Ўзбекистон Республикасида хусусий тадбиркорлик тўғрисида Низом» билан белгиланади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар одатда майда ишлаб чиқариш билан шуғулланадилар.

Юқорида таъкидланган қонуннинг 16-моддасига биноан биргаликдаги тадбиркорликка қуйидагилар киради:

- эр-хотиннинг умумий мол-мулки негизида амалга ошириладиган оилавий тадбиркорлик;
- деҳқон хўжалигининг умумий биргаликдаги мулки негизида амалга ошириладиган деҳқон хўжалиги;
- ўзларига умумий улуши мулк ҳуқуқида тегишли бўлган умумий мулк негизида якка тартибдаги тадбиркорликни амалга оширадиган ширкат хўжалиги.

Юридик шахс ташкил қилмай, ўз фаолиятини амалга оширадиган тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтказилган жисмоний шахсга давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома берилади ва у жисмоний шахсларни рўйхатдан ўтказиш реестрида қайд қилинади. Ушбу гувоҳнома

банкда ҳисоб-китоб варағи очиш, солиқ органларидан рўйхатдан ўтиш, муҳр ва бошқа реквизитларни тайёрлаш учун асос бўлиб ҳисобланади.

Якка тартибдаги тадбиркорлик ўз навбатида икки турга бўлинади:

- шахсий тадбиркорлик;
- биргаликдаги тадбиркорлик

Шахсий тадбиркорлик тушунчаси “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида”ги қонуннинг 15-моддасида қуйидагича баён этилади: “Шахсий тадбиркорлик якка тартибдаги тадбиркорларнинг ўзи томонидан мулк ҳуқуқида, шунингдек, мулкка эгалик қилиш ва (ёки) ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга мулкый ҳуқуқ туфайли ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида мустақил равишда амалга оширилади”.

Ўзбекистон Республикасида “Хусусий тадбиркорлик тўғрисидаги Низом”да хусусий тадбиркорлик фаолиятига қуйидагича таҳриф берилган:

Хусусий тадбиркорлик — бу фуқаролар (алоҳида фуқаро) томонидан ўзларининг таваккалчиликлари ва мулкый жавобгарликлари остида, шахсий даромад (фойда) олиш мақсадида амалдаги қонунчилик асосида амалга ошириладиган ташаббускор хўжалик фаолиятидир.

Хусусий тадбиркорликнинг якка тартибда фаолият кўрсатаётган тадбиркорликдан фарқи шундаки, бу ерда фаолият кўрсатувчилар ўз фаолиятини ёлланма ишчи кучи ёрдамида олиб борадилар. Улар юридик шахс сифатида иш кўрадилар ва ўз корхоналарини давлат рўйхатидан ўтказишга мажбурдирлар.

Хусусий тадбиркорликнинг афзалликлари:

- ишни ташкил қилишдаги оддийлик, тўла мустақиллик, ҳаракатдаги эркинлик ва тезкорлик. Тадбиркор бирор қарор қабул қилишида юқори ташкилотларга мурожаат қилишини ёки шериклар розилигини олишининг зарурияти йўқ;

- ишга қизиқтирувчи сабабларнинг кўплиги, чунки барча фойда фақат мулкнинг ёлғиз эгасига келиб тушади ва у кўпроқ ишлашга рағбатланади, иш

устидан керакли назорат ўрнатиш, эҳтиётлик Билан қарор қабул қилиш қва иш кўламини янада кенгайтиришга интилади;

- хусусий тадбиркорликда унинг ташкилий – ҳуқуқий шаклини ўзгартириш нисбатан енгил кечади.

Хусусий тадбиркорликни камчиликлари:

- заиф молиявий пойдеворга эгаллиги. Бу катта миқдордаги капиталларни жалб қилишдаги қийинчиликларга сабаб бўлади.

- Хўжалик фаолиятида хавф – хатар ва тавваккалчилик юқори даражада бўлганлиги сабабли фаолият давомийлигининг ноаниқлиги;

- Барча хўжалик фаолияти учун чекланмаган жавобгарликнинг ҳукм суриши;

- Якка хўжалик мулкининг мулкни бошқа шахсга беришни ноқулайлиги, ихчам эмаслиги;

- Мулк эгасининг ўлими, меҳнатига нолойиқ бўлиб қолиши ёки ишдан чекланиши ҳоллари юз берганда якка хўжалик мулки таркибини сақлаб қолиш мушқиллиги.

Юқорида келтирилган камчиликларни бартараф этиш ниятида ишбилармонлар мол – мулки касби ёки капиталларини қўшиб бирлашадилар.

Жамоа тадбиркорлиги деганда бир гуруҳ фуқароларнинг ўзларига маҳқул бўлган мулкчилик шаклларида жамоаларга бирлашиб, жамоа корхоналарини ташкил қилишлари ва шу асосда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишлари тушунилади.

Ўзбекистон республикаси қонунларига кўра кичик корхоналар уларда ишловчилар сонига қараб ажратилади. Унга биноан кичик корхоналар туркумига, одатда, қуйидаги яни бунёд этилаётган ва амалдаги корхоналар кирадилар:

- саноатда ва қурилишда – 50 нафаргача;
- фан ва илмий хизматда – 10 нафаргача;
- қишлоқ хўжалиги ва бошқа ишлаб чиқариш соҳаларида – 25 нафаргача;
- ноишлаб чиқариш соҳасида -10 нафаргача;

- чакана савдода – 5 нафаргача ишчиси бўлган корхоналар. Шунингдек конун, индивидуал меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи ва ширкатга бирлашиб ишловчи жисмоний шахсларни ҳам кичик бизнес субъектлари қаторига киритган.

Жамоа корхоналарининг афзалликлари: - жамоа меҳнатидан ўсиб боровчи янгиликка интилиш ва мусобақалашиб, ўзаро ёрдам ва бирдамлик. Бу корхона тўла мустақил бўлиб, у бегоналарнинг аралашувисиз ўзи ишлаб чиқарган ва сотиладиган маҳсулотига, бажарадиган ишига ва кўрсатадиган хизматига бўлган талаб асосида ўз фаолиятини режалаштиради, келажак тараққиётини ҳамда корхонанинг ишлаб чиқаришини, ижтимоий ривожланишини ўзида, меҳнат қилувчиларнинг шахсий даромадини қандай оширишини ўзи мустақил белгилайди. Жамоа корхонаси ҳар бир ишловчисининг шахсий ҳиссаси унинг бажарадиган меҳнатига қараб белгиланади.

Жамоа корхоналарнинг камчилиги: гуруҳий эгоизм ҳавфи; йиғилган жамғарма миқдорида путур етказиб, истеъмолни оширишга интилиш.

Жамоа тадбиркорлиги фаолияти фирмалар фаолиятида ўз ифодасини топади. **Фирма** — муайян турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришга ва хизмат кўрсатишга ихтисослашган, бозордаги талаб ва таклифга қараб иш тўтадиган, иқтисодий жиҳатдан эркин ва мустақил корхонадир.

Фирмаларнинг турлари жуда кўп, уларни чизмада қуйидагича тасвирлаш мумкин (6-чизма).

Хусусий фирма деганда айрим шахс ёки оилага тегишли бўлган, яқка хусусий мулкка асосланиб фаолият кўрсатадиган корхона тушунилади.

Ширкат фирма деганда бир неча соҳибнинг мулкани бирлаштириш ва тадбиркорликдан олинadиган фойдани барҳам кўришга асосланган шерикчилик корхонаси тушунилади.

Ширкат фирмаларининг икки тури мавжуд:

- масъулияти чекланмаган ширкат фирмалар;
- масъулияти чекланган ширкат фирмалар.

Масъулияти чекланмаган ширкат фирмалар икки ёки ундан кўпроқ кишиларнинг мулки асосида юзага келади. Шерикларнинг дастлабки мулки фирманинг устав капитали дейилади. Бу капиталга ҳар бир шерик ўз ҳиссасини қўшади. Улар устав фондига қанча пул қўйса, шу ҳиссага биноан фойда олишади. Борди-ю фирма синса, шериклар зарарни ҳамжиҳатликда кўтаради, яъни бир шерик бошқасининг жавобгарлигини ҳам зиммасига олади.

Ширкатга давлат, кооператив, жамоа ва бошқа ташкилотлар, шунингдек, хорижий ташкилотлар ва фуқаролар ҳам қонун йўл қўйган ҳолларда аъзо бўлиши мумкин.

Масъулияти чекланган ширкат фирмаларнинг устав фонди фақат таъсисчилар маблағ (акция)лари ҳисобига барпо этилади. Жамият қатнашчилари ўзларининг қўшилган улушлари доирасида жавобгар бўлади. Ширкат ўз фаолияти учун устав фонди миқдорида жавобгар ҳисобланади.

Масъулияти чекланган ширкат фирмалар номига “лимитед” сўзи қўшилади, бу инглизча сўз бўлиб, „чекланган”» маъносини билдиради.

Масъулияти чекланган фирманинг бир қатор турлари мавжуд. Уларнинг энг кенг тарқалган шакли **акциядорлик жамиятлари ва корпорациялардир.**

Акциядорлик жамияти — бу жисмоний шахслар капиталларининг бирлашуви бўлиб, у акциялар чиқариш йўли билан ташкил этилади.

Акциядорлик жамиятларини тузиш ва фаолиятини ташкил қилиш тартиби Ўзбекистон Республикасининг „Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунда ифодаланган. Бу қонуннинг 2 - моддасига мувофиқ:

Жамият жамланган капиталига қараб махсус қимматли қоғоз — акция чиқаради. Акцияни сотиб олганлар ҳиссадорларга айланишади ва фойдадан ўз ҳиссаси — дивидендни олиб турадилар. Акциядорлик жамияти ўз мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли бутун мол-мулк билан жавобгар ҳисобланади. Акциядорлар жамияти мажбуриятлари бўйича жавобгар эмас ва

унинг фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун фақат ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида жавобгар ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятининг устав фонди акциядорлар сотиб олган акцияларнинг номинал қийматларидан ташкил топади. Жамият чиқарадиган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хил бўлиши лозим. Акция бўлинмас ҳисобланади.

Акция фонд биржаларида муомалада бўлади, бир шахсдан иккинчисига эркин ўтади ва акциялар учун унинг хиссаси тўғрисидаги ҳужжат ҳисобланади. Акциядорлик жамиятини: Акциядорнинг умумий мажлиси; кўзатув кенгаши; ижро органи бошқаради.

Акциядорлик шаклидаги тадбиркорликнинг афзалликлари:

- акциядорлик жамияти - бу бизнеснинг кўпроқ демократик шаклидир. Унга хоҳдаган киши бевосита ёки обуна бўлиш йўли билан акцияни сотиб олиб, аъзо бўлиши ва мулк эгасига айланиши мумкин; вақтинча бекор турган сармояларнинг марказлашувига эришилади; нисбатан самарали соҳаларга капитал оқимини ташкил қилиш имконияти туъилади;
- давлат мулкани хусусийлаштириш имкониятлари кенгаяди;
- молиявий барқарорликка эришилади;
- тадбиркорликка таваккалчилик хавфи камаяди (ҳиссадор ўз акцияси миқёсида зиён кўрса, корхона эгаси бутун мулкидан ажралади);
- бир вақтнинг ўзида ишлаб чиқарувчилар, товар етказиб берувчилар, харидорлар ва маҳаллий давлат органлари манфаатларининг ўзаро мувофиқлашувига эришилади.

Акциядорлик жамияти очик ва ёпиқ турда бўлиши мумкин.

Очик турдаги акциядорлик жамияти — бу акциядорлари ўзларига тегишли акцияларни бошқа акциядорларнинг розилигисиз эркин тасарруф қила оладиган жамият. У чиқарадиган акцияларига очик обуна ўтказиш ва уларни эркин сотиш ҳуқуқига эга. Таъсисчиларнинг энг кам сони ҳам чекланмаган. Очик турдаги АЖ учун устав фондининг энг кичик миқдори —

АЖ рўйхатидан ўтказилган санада қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи суммасининг икки юз карралик миқдorigа тенг бўлиши керак.

Ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти — бу акциялари номланган (эгаси ёзилган) ва улар фақат АЖ таъсисчилари ўртасида тақсимланган жамиятдир. Унинг акциялари қимматли қоғозлар бозорида муомалада бўлиши жамият Низомига биноан ман этилган ёки чекланган бўлади. Ёпиқ турдаги АЖ учун устав фрндининг энг кичик миқдори — АЖ рўйхатидан ўтказилган санада қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам иш ҳақи суммасининг камида юз карралик миқдorigа тенг бўлиши керак.

Барча жамоа корхоналари учун қуйидаги умумий жиҳатлар мавжуд:

- низом капиталининг тегишли бўлакларга ёки акцияларга мажбурий бўлиниши;
- жамиятнинг ўз мажбуриятлари ва фақат ўзининг мулки бўйича чекланган жавобгарлиги;
- акциядор (шерик)лар орасидаги ўзаро муносабатлар, даромад ва мулкни тақсимлаш, корхонани бошқариш бўйича муносабатлар уларнинг киритган улушлари миқдorigа қараб тақсимланади;
- жамият аъзолари унинг капиталига ўз улушларини киритишлари зарур, аммо ўз меҳнатлари билан унинг фаолиятида иштирок этишлари мажбурий эмас.

Акциядорлик жамиятларини ташкил этиш жараёнлари “Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш”, “Ҳиссадорлик жамиятлари”, “Корхоналар тўғрисида”, “Қимматли қоғозлар бозори ва фонд биржалари тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа меоёрий ҳужжатлар асосида бошқарилади.

Корпорация атамаси лотинча „corporatio“ сўзидан олинган бўлиб, бирлашма, ҳамжамият маъносини беради. Корпорация йирик акционер жамиятлар бирлашмаси ҳисобланиб, бир хил маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни бирлаштиради. Натижада ишлаб чиқариш монополлашади.

Корпорация инвестиция капиталининг марказлашувини, илм-фан тараққиётини, маҳсулотнинг рақобатбардошли бўлишини ва ўзоқ ҳаёт циклини

таоминлайди. Корпорациялар тадбиркорлик билан шуғулланувчи акционер жамиятларининг хоҳиш – ихтиёри билан пайдо бўлади. Ҳар бир корхона фаолиятини юргизиш учун ўз ҳолича турли функцияларни, яъни:

- хом ашё, материаллар, энергия, ускуна қидириб топиш, сотиб олиш ва технологик такомиллаштириш;
- маҳсулот сифатини ошириш ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотни янгилаш;
- тайёр маҳсулотни сотиш бўйича қатор ишларни бажариши лозим бўлади.

Корпорацияларнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- бозор конъюктурасини ўрганиш ва ҳаракат стратегиясини танлаш;

- илмий – техникавий Тараққиёт дастурларини амалга ошириш орқали эришилган фан – техника тараққиётини натижаларини ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш;

- ресурсларни ва корпорациянинг хўжаликлараро корхоналарида ишлаб чиқарилган нарсаларни марказлаштирилган ҳолда тақсимлаш ва ўзининг хусусий тижорат бўлинмалари орқали тарқатиш;

- хўжалик механизмини такомиллаштириш ва бошқалар.

Холдинг компания — бу мулк эгалари томонидан бир қанча мустақил акциядорлик жамиятлари фаолиятини назорат қилиш мақсадида ташкил этилган хиссадорлик жамиятидир. Холдинг компанияси таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари „акцияларининг назорат пакети“ компаниянинг ихтиёрида бўлади. Бундан мақсад акциядорлик жамиятлари фаолиятлари устидан назорат ўрнатиш ва дивидендлар кўринишида фойда олишдир.

Ўзбекистон Республикасида холдинг компанияларнинг ҳуқуқий мақоми Вазирлар Маҳкамасининг 1995 йил 12 октябрдаги 398-сонли қарори билан тасдиқланган Низом (холдинглар ҳақидаги Низом) асосида белгиланади. Бу Низомга мувофиқ, активлари таркибига бошқа корхоналарнинг акциялар назорат пакети кирадиган очик турдаги акциядорлик жамияти холдинг ҳисобланади. Холдинг компаниясига республикамизда ташкил этилган

қишлоқ хўжалиги машинасозлиги холдинг компанияси- „Ўзқишлоқ-хўжмашхолдинг»ни мисол қилиб келтириш мумкин.

Холдинг бирлашган корхоналар, яъни холдинг активлари таркибига кирадиган, акциялар пакетини назорат қиладиган корхоналар **шўъба корхоналар** деб аталади. Улар мустақил юридик шахс ҳисобланади. Шўъба корхона, кўпинча, корхонанинг ривожланиб бориши давомида бош корхона (холдинг компанияси) томонидан ташкил қилинади.

Холдинглар давлатга қарашли ёки хусусий бўлиши мумкин. Давлат холдингида акциялар назорат пакети давлат мулкига, шўъба корхоналар акциялари эса бош холдинг компаниясининг мулкига айланади. Шўъба корхоналар ўз мажбуриятлари бўйича ўзларига тегишли мулк, шу жумладан, асосий корхона, яъни холдингга тегишли акциялар назорат пакетининг қиймати билан ҳам жавоб беради. Холдинг шўъба корхона қарзи бўйича унинг таъсис шартномасида айтилган шартларда жавобгар бўлади.

Холдинг компаниялари икки турда бўлиши мумкин:

—молиявий холдинг;

—аралаш холдинг.

Молиявий холдинг фақат махсус назорат ва бошқарув мақсадларида тўзилади. Сармоясининг 50 фоизидан кўпини бошқа эмитентларнинг қимматли қоғозлари ва бошқа молиявий активлар ташкил қиладиган холдинг **молиявий холдинг ҳисобланади**. Молиявий холдинглар активлари таркибига фақат қимматли қоғозлар ва бошқа молиявий активлар, шунингдек, холдингни бошқариш аппаратининг фаолиятини таъминлаш учун бевосита зарур бўлган мол-мулк кириши мумкин.

Молиявий холдинглар фақат инвестиция фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Улар шўъба корхоналарнинг ишлаб чиқариш ва тижорат фаолиятларига аралашуш ҳуқуқига эга эмас. Молиявий холдинг вакиллари фақат шўъба корхоналарнинг акциядорлари йиғилишларида қатнашиши мумкин. Уларга кўзатув кенгаши, бошқарув ва шўъба корхоналарини бошқарадиган бошқа органларга киришга рухсат берилмайди.

Молиявий холдинглар ўзларига тегишли акциялар билан фақат ташкил қилинган қимматли қоғозлар бозорида, яъни фонд биржаларида битимларни амалга оширади. Бу талабни бажармаслик амалга оширилган битимларнинг бекор қилинишига сабаб бўлади.

Аралаш холдинг — назорат ва бошқарув вазифалари билан бир қаторда саноат, савдо, транспорт, кредит-молия ва бошқа соҳаларда тадбиркорлик фаолияти билан ҳам шуғулланиш мақсадларида тўзилади.

Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига биноан холдинг компаниялари қуйидаги йўллар билан ташкил этилади:

- йирик корхоналарни қайта ташкил қилишда уларнинг таркибий бўлинмаларини мустақил юридик шахс (шўъба корхоналар) сифатида бунёд этиш йўли билан;
- юридик жиҳатдан мустақил корхоналарнинг акция пакетларини бирлаштириш йўли билан;
- янги акциядорлик жамиятларини таъсис этиш йўли билан.

Холдинглар монополияга қарши органнинг рухсати билан ташкил этилади. Холдингни ташкил этишга рухсат олиш учун монополияга қарши органга бошқа ҳужжатлар билан бирга:

- устав лойиҳаси;
- холдингни тузишга хоҳиш ҳақида баённома ёки таъсисчилар шартномаси;
- тузиладиган холдингга киритиш учун тавсия қилинаётган корхоналар рўйхати;
- шу корхоналардан ҳар қайсисининг хўжалик фаолияти турлари ва ҳажми ҳақидаги маълумотлар топширилади.

Агар холдингни тузиш бирон бир маҳсулот (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш монополиясига олиб келадиган бўлса, бундай холдингни тузишга рухсат берилмайди.

Давлат корхоналари — бу давлат мулки бўлган ва унинг назорати остида ишловчи корхоналар бўлиб, улар ишлаб чиқаришдаги давлат секторини

ташкил этади, энг муҳим ва масхулиятли вазифалар (мудофаа, алоқа, энергетика, транспорт ва бошқалар)ни бажаради.

Қўшма корхона тузишга ҳамкорларни нима мажбур қилади? Америкалик олимлар қуйидаги омилларни келтирадилар:

- капитал ҳаражатлар ҳажмининг қисқариб кетиши ва янги қувватларни барпо этишдаги хавотирлик;
- аниқ географик бозорга ўтиш;
- янги фаолият соҳасига ўтиш;
- ишлаб чиқариш соҳасининг базаси ёки хом ашё манбаини қўлга киритиш;
- ишлаётган ишлаб чиқариш линияларининг кенгайганлиги;
- товар ёки хизматларни сотишнинг янги тармоқлари пайдо бўлганлиги;
- мавжуд маркетингнинг самарадорлиги ошганлиги;
- такрорланиб турувчи ёки мавсумий беқарорликни (пасайиш, ўсиш ва ҳоказо) бартараф этиш имконияти;
- қўшма корхонадаги ҳамкорлар ёрдамида ишлаб чиқариш ҳаражатларини камайитириш имконияти.

Қўшма (аралаш) корхоналар хусусий, давлат ва жамоа мулкисининг аралаш маблағларига таянади. Аралаш фирмалар миллий ва хорижий капиталга таянган ҳиссадорлик қондасига биноан ташкил топади, фойдаси шунга қараб тақсимланади.

Қўшма корхоналар ўзаро манфаатдорлик негизда, ҳукуматлараро шартномалар асосида ташкил қилиниб, илмий-ишлаб чиқариш, илмий-техник ва бошқа вазифаларни ечишга қаратилган. Улар саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, савдо, фан ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларида таркиб топиши мумкин.

Қўшма корхоналар, асосан, чет эл техникаси ва технологияси асосида барпо этилиб, маҳаллий хом ашё ва иш кучи ҳисобига ишлайди. Корхона ўзининг мустақил балансига эга бўлади ва хўжалик ҳисоби асосида фаолият юритади. Республикамизда АҚШ, Италия, Туркия, Франция, Германия,

Англия, Корея, Япония каби қатор давлатлар компаниялари билан ҳамкорликда қўшма корхоналар қурилиб, ишга туширилган.

Концерн — бу ишлаб чиқариш диверсификацияси, яъни корхоналарнинг фаолият соҳалари ва ишлаб чиқарадиган маҳсулотлари тўрининг кенгайиши, янгиланиб туриши асосида таркиб топадиган йирик кўп тармоқли корпорация.

Концерн таркибига саноат, транспорт, савдо, банк каби тармоқларга тегишли, айрим ҳолларда, дунёнинг кўпгина мамлакатларида жойлашган ўнлаб ва юзлаб корхоналар ихтиёрий асосларда киради. Концерн таркибига кирган корхона ва ташкилотлар орасида ўзаро корпорацияланган туръун алоқалар мавжуд бўлиб, улар концерн ривожини йўлида умумий молиявий ресурслардан ва ягона илмий-техник имкониятлардан муштарак фойдаланадилар.

Ўзбекистонда Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ўзбек Давлат концерни („Ўзқурилишматериаллари»), фармацевтика саноати ўзбек Давлат акционерлик концерни („Ўзфармсаноат”), „Шарқ” нашриёт-матбаа концерни ва бошқалар фаолият кўрсатмоқда.

Консорциум — бу аниқ иқтисодий лойиҳаларни амалга оширишни мақсад қилган корхоналарнинг муваққат бирлашмасидир.

Консорциум аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари консорциум тўғрисидаги битимда белгилаб қўйилади. Қўйилган вазифани бажариш учун консорциум иштирокчилари бадаллари ҳисобидан ягона молиявий ва моддий фондлар барпо этадилар, бюджет маблағлари ва давлат банкидан кредитлар оладилар. Вазифа бажарилгач, консорциум тарқалади. Консорциумларга бошқарув бўйича қўмиталар, директорлар кенгаши кабилар бошчилик қилади. Консорциумлар авиация, космос, компютерлар, алоқа каби юксак технологик ва катта миқдордаги сармояли соҳаларда кенг тарқалган.

Консалтинг - бу ишлаб чиқаришга иш юзасидан хизмат кўрсатиш соҳасида ихтисослашган фирмаларнинг ўз мижозларига маслаҳат хизмати кўрсатиш ва

техникавий лойиҳаларни экспертиза қилиш билан боғлиқ иқтисодий фаолиятдир.

Консалтинг фирмаларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун шериклар танлаш;
- маслаҳатчилик ташкилотларининг тараққий топишига ва хорижий инвестицияларни жалб этишга кўмаклашиш;
- ягона ахборот-сўровнома фондини яратиш ва ягона реклама стратегияси (йўналиши)ни амалга ошириш йўли билан уларнинг аъзолари фаолиятини умум мақсадлар йўлида жамлаш ва ҳоказо.

Консалтинг фирмаларининг кичик бизнес соҳасида кенг тарқалган маслаҳат хизматлари қуйидагилардан иборат:

- барча мулк шаклларидаги корхоналарни рўйхатга олиш учун таъсис ҳужжатларни тайёрлаш бўйича маслаҳатлар бериш;
- маркетинг бўйича изланишлар ўтказиш;
- хусусийлаштириш, акциядорлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш;
- ташқи иқтисодий фаолият бўйича маслаҳат бериш;
- реклама стратегиясини ишлаб чиқиш, реклама материалларини тайёрлаш ва уларни тарқатиш;
- ҳуқуқ, молия, ташкилий бошқариш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;
- интеллектуал (ақлий) мулкни ҳимоя қилиш масаласи бўйича маслаҳатлар бериш;
- ишчи хизматчиларни тайёрлаш ва малакасини ошириш;
- тадбиркорлик ва кичик бизнесни тараққий топтиришга хизмат қилувчи тадбирларни ўтказиш;
- фирма иш услубини ишлаб чиқиш;
- хавфсизлик техникаси, ишлаб чиқариш санитарияси, маданият, атроф-муҳитни ҳимоя қилиш масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;

—инвестицияларни жалб қилиш, имтиёзли кредит олиш, зарурий ресурсларни ва капиталларни сотиб олиш бўйича маслаҳатлар бериш ва ҳоказо.

Зарурият туғилса, консалтинг фирмалари кичик бизнес корхона раҳбарлари ва мутахассисларининг малакасини оширишни ҳам ташкил этиши мумкин. Консалтинг фирмалари кўпчилик ҳолларда савдо, саноат палатаси, республиканинг миллий ва тижорат банклари билан яқиндан алоқа ўрнатади. Бу эса уларнинг ахборот хизмати бозорини шакллантириш йўлида амалга ошираётган ишлари даражасини орттиради ва кичик бизнес тараққиёти учун сезиларли улуш қўшади.

Инжиниринг корхона — муҳандислик-маслаҳат хизматларни тижоратчилик қоидаларига асосланган ҳолда амалга оширади. Бундай корхона (фирма):

- ишлаб чиқаришни таъминлаш;
- маҳсулот сотишни уюштириш;
- ишлаб чиқариш объектларини куриб, ишга тушириш юзасидан маслаҳат бериш билан шуғулланади.

Инжиниринг корхонадан инжиниринг хизматлар бозорини фарқлаш лозим. Бу – халқаро бозорнинг бир тури, яъни инжиниринг хизматларининг давлатлараро олди-сотди қилиниши. Инжиниринг хизматлар бозорида асосий ҳаридор ри-вожланаётган давлатлар бўлса, сотувчилар эса юксак ривожланган мамлакатлардир.

Оффшор компанияси – бу имтиёзли солиқ тўлаш ҳудудида бунёд этилган корхона бўлиб, у рўйхатга олинган жойда барқарор турмайдиган шахсларга тегишлидир. Кўпгина давлатларда хорижий инвестицияларни кўпроқ жалб этиш мақсадида киритилган омонатлар ҳақидаги ахборотнинг қонунчилик ёки анъанавий кафолатлар йўли билан конфиденциаллигини таҳмин этувчи ва қатор имтиёзлар бериш тизими бунёд этилгин бўлиб, бу тизим хорижий тадбиркорларга уларнинг тадбиркорлик фаолиятини мазкур давлат ҳудудида олиб бориш шарти билан жорий қилинади.

Одатда, оффшор корхонаси масъулияти чекланган жамият ёки компания шаклида бунёд этилади. Аммо, оффшор фаолияти учун бошқа ташкилий – ҳуқуқий шакллар ҳам йўқ эмас, масалан, ширкатчилик, хорижий компаниянинг шахобчаси шаклида ҳам бўлиши мумкин. Бунда низом капиталининг энг кам ўлчами бевосита ва билвосита қонун билан белгиланиши ёки умуман чегараланмаган бўлиши мумкин.

1.4. Тадбиркорликни ривожлантиришнинг хорижий тажрибаси.

Бизнинг мамлакатимизда хорижий мамлакатлар тажрибаларига суянган ҳолда, тадбиркорликни ривожлантиришга давлат томонидан катта эътибор берилмоқда. Бунда 1999 йилнинг 14 апрелда Олий Мажлис томонидан қабул қилинган “Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятини кафолатлаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунини мисол қилиб кўрсатса бўлади. Эркин рақобатга тобора кенг имкон яратиш, турли мулкчилик шаклларидаги бозор субъектлар ўртасида бўладиган иқтисодий ҳуқуқий муносабатларни жаҳон андозалари даражасида ташкил этиш борасида ушбу қонун муҳим аҳамият касб этади.

АҚШда 500 тагача ходими бўлган корхона кичик корхона бўлиб ҳисобланади. Германия ва бошқа Ғарбий Европа давлатларида эса, 300 тагача ходими бўлган корхона кичик корхона ҳисобланади.

Хорижий мамлакатларда кичик корхоналарнинг иккита тамоман ўзгача турларга бўлиш мумкин:

- 1) ҳаётни таъминловчи корхоналар;
- 2) тез ўсувчи корхоналар.

Одатда кичик корхоналарнинг қарийиб 80-90 фоизи ўта кичик бўлиб, улар ўсиш учун чекланган имкониятларга эга. Бундай корхоналар ҳаётни таъминловчи корхоналар деб юритилади. Ушбу турдаги корхоналарга консалтацион хизмат кўрсатувчи фирмалар, тор доирада ихтисослашган дўконлар, кафе ва шу кабилар киради. Улардаги ходимлар тўлиқ бўлмаган иш кунига эга бўлиб, фирма манзиллари сифатида тадбиркорлар ўз уйларидан фойдаланадилар. Ҳаётни таъминловчи корхоналар кичик бизнес корхонаси бўлиб, унинг эгаси етарли турмуш даражасини таъминлаш мақсадида ташкил этади.

Иккинчи турдаги корхоналар тез ўсувчи корхоналар деб номланади. Уларнинг бундай номланишига сабаб, уларнинг мақсади тезроқ кичик бизнес чегарасидан чиқиб ривожланишдир. Тез ўсувчи корхоналар кичик бизнес корхонаси бўлиб, улар тезкор ўсиш тенденциясига ва қўйилган сармоянинг

юқори қайтимлигига ҳисобланади. Одатда, бундай туркум корхоналарга бир неча киши раҳбарлик қилади. Тез ўсувчи корхоналар йирик инвестиция манбаларига тез яқинлаша оладилар ва бунинг натижасини кенг бозорда янги товарлар ва хизматларини киритиш имконига эга бўладилар.

Бундай турдаги корхоналарни ҳар йили АҚШда чоп этиладиган “Инк” журналида эълон қилишади. 1990 йили 500та шундай компаниянинг йиллик обороти 9,6 млрд. долларга тенг бўлди ва 56,8 минг иш жойи ҳосил қилди. 1990 йилда бу рўйхатда “Конжентрикс” фирмаси пешқадамликни эгаллаб, унинг асосий фаолияти “Шарлотта” шаҳрида (шим. Королина штати) электростанцияларни куриш ва таъминлаш бўлган. Маълум йилларда ушбу рўйхатда “Чарлз Шваб” ва “Микрософт” корпорациялари қарвонбошилиқ қилганлар. Ҳозирги пайтда ушбу корпорациялар юксак ривожланган корпорациялар сафига киради.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўз кўлами жиҳатдан иқтисодиётни узлуксизлигини ва барқарорлигини таъминлашда катта ўрин эгаллайди. Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг иқтисодиётга таъсир кўлами бир қатор иқтисодий, ижтимоий, маданий, маҳрифий жиҳатларни ўз ичига олади. Биз фақатгина иқтисодий жиҳатдан муҳим бўлган хусусиятлар хусусида тўхталамиз. Булар қуйидагилардир:

а) иш жойларини ташкил этишдаги мавқенинг юксалиши. Ўтган 10 йил мобайнида АҚШ кичик бизнес бўйича бошқармасининг ахборотига кўра янги иш жойларининг ярмидан кўпи 100 кишидан кам ходим ишлаётган корхоналар ҳиссасига тўғри келади. Тез ўсувчи фирмалар янги фирмаларнинг 27 фоизи ташкил этиб, улар 60 фоиз янги иш жойларини ҳосил қилишда қатнашмоқдалар. Шу билан бирга кичик бизнес ҳосил қилинган иш жойларининг:

б) янги товарлар ва хизматларни тадбиқ қилиш. АҚШ миллий фондининг ҳисобларига кўра 98 фоиз янги маҳсулот хусусидаги тадқиқотлар кичик бизнесда яратилган. Бу ўта муҳим кўрсаткичдир. Энг йирик

кашфиётлар: хавфсиз устаралар, электрон соатлар, верталётлар, зангламас пўлат ва бошқа товарлар кўлами бевосита кичик бизнесда яратилган.

в) йирик корпорациялар эҳтиёжини қондириш. Йирик компаниялар маҳсулотини сотиш, уни бозор талаблари асосида шаклланишига кўмак беришда кичик корхоналарнинг роли юқоридир. Ўз навбатида йирик ривожланувчи фирмалар ўз иқтисодий стратегияларида майда тахминотчилар билан алоқа урнатишни самарали хисоблайдилар. Чунки улар мослашувчанлик хусусиятига эгадир.

г) махсус товарлар ва хизматлар билан таминлаш вазифаси. Кичик корхоналар мижозларнинг ўзгача махсус эҳтиёжларини қондиришга етакчи ўрин эгалайдилар. Чунки 1-дан, махсус талабнинг оммавий тусга эга эмаслиги ва унинг йирик ишлаб чиқаришда ташкил этиш самарали бўлмаслиги сабаб бўлса, 2-дан эса, бой ҳаридорларнинг “ўзига хос” истакларини мавжудлигидир.

Кичик бизнесни ташкил этишда муҳим ўринни фирмани барпо этиш ва уни самарали соҳасини аниқ белгилаш эгаллайди. Шу билан бирга статистика янги ишни бошлашдаги кўп омадсизликдан далолат беради. Кўпчилик уни 30% микдорда дейди, чунки 85% янги корхоналар 10 йилик дастлабки ишлаш давридаёқ инқирозга учрайдилар. Шу билан бирга қайд этилган кичик фирмаларнинг 40%и, 5 йилдан сўнг ўз ишларини давом эттирмоқдалар.

Кичик бизнес ва тадбиркорликнинг ривожланишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади. Булар қуйидагилардир.

1) Корхоналарни йириклашуви тенденциясининг пасайиши. АҚШда яқин 15-20 йил ичида корхоналарнинг йириклашуви тенденцияси пасаяди. Бу асосан, хизмат кўрсатиш соҳасидаги силжишлар билан боғлиқ. Албатта, бу хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият масштабини унча кенгайтириш имкони пастлиги билан белгиланади. Ҳозирги пайтда хизмат кўрсатиш соҳасидаги кичик корхоналар йирик рақобатчиларга нисбатан айрим юмушларини

самарали ташкил қила олмақдалар. Бу биринчи навбатда бошқариш тизимининг соддалиги ва ихчамлиги билан боғлиқдир.

2) Аёллар иш кучининг иқтисодга кириб келиши.

80-йилларнинг ўзидагина 2 млн. Аёллар ўз иш жойларини очдилар. Ҳозир АҚШ да 4-5 корхона аёлларга тегишли бўлиб, улар мамлакатдаги жами кичик корхоналарнинг 30 фоизини ташкил этади. Бу тенденция давом этса-ю 2000 йилга бориб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликда аёллар ва эркаклар сони тенглашади.

3) Йирик ишлаб чиқаришда ходимларни қисқариши.

Бу айрим жихатдан демографик омиллар билан боғлиқ. Жумладан “демографик портлаш” даврида туғилганлар ҳозирги 30-40 ёшга, яъни ўз ишини мустақил бошлаш вақтига етдилар. Бундан ташқари, йирик корхоналарда иш ўрни учун кураш, бутун ходимларнинг қисқарилиши бевосита кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига таъсир кўрсатади.

4) Янги корхоналар очиш суръатининг ортиши. АҚШда ҳар йили ўртача 200 мингга яқин аҳоли ўзининг фирмасини очади. Уларнинг ярмидан кўпи 20 минг доллардан кам оборот билан ўз фаолиятларини бошлайдилар. Уларнинг қарийб 75 фоизини ўз фирмаларида 50 соат ишлайдилар, 25 фоизи эса, 70 соат ва ундан ортиқ ишлайдилар. Қарийб 2/3 қисми янги бизнесни бошловчилар янги ёки бошлаётган компаниялар ҳисобланадилар. Яъни, улар амалда ишлаётган корхоналарни сотиб олмаганлигидан ўзлари хусусий бизнесни бошлайдилар. Уларнинг 80 фоизидан ортиғи ўз ишларини ўта самарали ғояни эмас, балки оддий ишларни тартибли ҳал қилиш билан боғлайдилар.

Россия давлатида кичик тадбиркорликнинг роли жуда юқори. Улар тадбиркорликни қуйидаги ютуқларини алоҳида инобатга олишади:

- Бозор талабига юқори эътибор ва тезкор мослашувчанлик;
- Янги кашфиётлар, техника — технологияларни жорий этишга мослашувчанлик;

- Ресурслардан оқилона фойдаланиш;
- Ноишлаб чиқариш тузилмаларини ушлаб туришга сарфланадиган харажатларни камайтириш.

Бу мамлакатда тадбиркорлик бир нечта этапларни босиб ўтган. Уларни шартли равишда қуйидагиларга бўлиш мумкин:

1990 – 1993 йиллар.

Кичик корхоналарнинг гуркираб ўсиши. Маъмурий буйруқбозлик иқтисодиётини парчаланишидан сўнг аҳоли кичик бизнесда ижтимоий – иқтисодий муаммоларни ечимини топди. Савдодаги далолчилик операцияларининг ривожланиши. Давлат миқёсида чакирувлар ва документларнинг кўпайиши, аммо буларнинг бари фақат мутахассисларга баён этилади ва ҳеч қандай кўринарли натижаларга олиб келмайди.

1993 – 1998 йиллар.

Кичик корхоналарнинг ўсиш сони камайди. Давлат сиёсати янада тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга қаратилган бўлсада, солиқ тизими томонидан тадбиркорлик муҳити янада ёмонлашди. Аста – секинлик билан хизматлар соҳасидаги корхоналар сони ўсди. Кичик бизнесни қўллаб – қувватлаш мақсадида янги ўқув – илмий марказлар, агенствалар, давлат ва муниципал фондлар ривожлантирилди. Иккита давлат фонди ташкилланди – илмий – техник соҳадаги янги кичик тадбиркорлик корхоналарини ривожлантириш Фонди ва рақобатни ривожлантириш ҳамда тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш Федерал Фонди (кейинчалик кичик тадбиркорликни ривожлантириш Федерал Фондига ўзгартирилган). 1995 йили “кичик тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш тўғрисида” қонун қабул қилинди. Туманлар янада катта эътиборини тадбиркорликни ривожлантиришга қаратмоқда. Лекин бу ишлар ҳам хом – ашё базасини чегараланганлиги сабабли кўп ҳолларда қоғозда бажариларди. Маъмурий тўсиқлар ўсиши кузатилди.

1998 – 2002 йиллар.

Дефолт натижасида кўп кичик савдо – воситачилик корхоналарини ёпилишига, лекин бир тарафдан кичик ишлаб чиқариш корхоналарини ривожланишига олиб келди. Тадбиркорлик субъектларини бирлаштириш кузатишмоқда. Маъмурий тўсқинликни йўқотишга ҳамда солиқ юкини камайтиришга қаратилган тадбиркорлик субъектларидан таклифлар кўпаймоқда. Давлат сиёсати ҳамон декларатив ва кичик тадбиркорликни ривожлантиришни тахминламаяпти.

2002 йиллардан – ҳозирги кунгача.

Давлатда стабиллик ва иқтисодий ўсиш тадбиркорлик фаолиятини ўсишига ҳам олиб келмоқда. Солиқ юкини камайтириш, рўҳатдан ўтказишни енгиллаштириш юзасидан бир қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Бу ҳамма муаммоларни ечмаган бўлсада, микрокорхоналарни ривожланишига имкон яратди. Юридик мақомга эга бўлмаган тадбиркорлар сони сезиларли ўсди. Банк соҳасида бизнес кўлами ўсди. йирик саноат корпорациялари аввало сиёсий томонларини ўйлаб кейинчалик иқтисодий томонлари билан ҳам кичик тадбиркорлик билан алоқаларига эътибор қарата бошлади.

Микромолиявий ташкилотлар янада катта эътиборини кичик тадбиркорлик соҳасига қаратмоқда. Инновацион кичик тадбиркорлик субъектларига бўлган давлатнинг қизиқиши ортди. “Йиғим” лойиҳаларини ўз ичига қамраб олган “Старт” программаси ташкил топди.

Ривожланган мамлакатлар учун тадбиркорлик – бу, жамиятни мувозанатдалиги ва мустаҳкамлигига қизиқувчи, капиталга эга бўлган ўрта табақа одамларни яратишдаги йўллардан биридир.

Инновацион ёндошувга асосланган кўп мамлакатлар учун кичик тадбиркорлик – бу, барча тармоқларда янги технологияларни ташкил этиб, уларни фаолиятига жорий этувчи двигател сифатида намоён бўлади.

Ишлаб чиқариш потенциали юқори бўлган мамлакатлар учун кичик тадбиркорлик – бу, ҳаражатларни камайтирувчи ва йирик корхоналарни

монополизми билан курашувчи механизм бўлиб, у мустахкам, рақобатбардош иқтисодиёт асосини яратади.

Ривожланаётган мамлакатлар учун кичик бизнес – бу аввало, қашшоқлик билан курашувчи фойдали механизмдир. Учинчи олам мамлакатларидаги аҳоли бандлигининг зарурияти, маҳаллий бозордаги кунлик талабни маҳсулотлар билан тўйинтирилиши, аҳолини даромадларини оширилиши бу мамлакатларда асосан рағбатлантирилади. Кичик иқтисодий секторни рағбатлантиришга бор имкониятларини қаратиш ривожланаётган мамлакатлар учун асосий ўсиш омилidir.

II-боб. Ўзбекистонда тадбиркорликнинг жорий ҳолати ва ривожланиш хусусиятлари.

2.1. Ўзбекистонда тадбиркорликнинг ҳуқуқий асослари.

Инсониятни (жамиятни) ҳозирги замон тараққиёти учун бўлган бу барқарор ғоя бизнинг давлатимизни ҳам эгаллайди деб фараз қилишимиз мумкин.

Хорижий мамлакатлар тажрибалари шуни курсатдики, тадбиркорликни ривожлантириш учун қуйидаги шарт-шароитлар зарур:

1. Тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва энг муҳими унга иқтисодий ҳамда ҳуқуқий эркинлик бериш.

2. Жамият фикр-мулоҳазаларига мувофиқ қулай ижтимоий муҳитни шакиллантириш (ташқил этиш).

3. Солиқ тизимида мумкин қадар қулайлик туъдириш.

4. Хусусий ва интеллектуал мулкни ҳимоя қилишни самарали тўзумларини ташқил қилиш.

5. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш инфраструктурасини ташқил қилиш (ўқув марказлари, маслаҳат берувчи, тадбиқ қилувчи, инновация ва х.к.з.).

Шуни таъкидлаш лозимки, Ўзбекистонда бу шароитлар маълум даражада ташқил қилинган ва бошқаларини амалга ошириш юзасидан бир қатор тадбирлар олиб борилмоқда.

Тадбиркорлик фаолияти ва корхоналар тўғрисида қонун қабул қилинган. Давлат тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мажбуриятини ўз зиммасига олган. Қонунга мувофиқ ҳар бир фуқаро тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга. Ҳар бир фуқаро иш фаолиятини ташқил қилиши мумкин ва ишлаб чиқараётган маҳсулоти ва ҳамда олинган фойда юзасидан мустақил равишда маҳсулотлар (кўйлак, мебель, оёқ кийимлари, турли пазандалик маҳсулотлари ва х.к.з.) тайёрлаши ва сотиши, корхона

(фирма) ташкил қилиши, аҳолига ва саноат корхоналарига турли хилдаги пулли хизматлар кўрсатиши, сотиб олиши, сотиши, воситачилик фаолиятини кўрсатиши мумкин.

Фукаролар тадбиркорлик фаолиятида моддий жавобгарликни амалдаги қонун қоидалар асосида олиб борадилар ва бутун масъулиятни ўз зиммаларига оладилар.

Тадбиркор давлат қонунларига зид бўлмаган турли йуналишда фаолият кўрсатувчи корхоналар (фирмалар), ташкилотларни ташкил этишлари мумкин.

Тадбиркор мустақил равишда ишлаб чиқариш дастурини тузиш, ўз маҳсулотига истеъмолчиларни танлаш, уларга Ўзбекистон Республикаси давлат қонунлари ва шартномалари асосида нарх белгилаш ва шартномалар тузиш, корхона даромадидан мустақил фойдаланиш, мажбурий тўловлардан қолган қисмига ташқи иқтисодий фаолият олиб бориш ҳуқуқига эга.

Тадбиркор ўз маҳсулотини, хизматини ўзи мустақил белгилаган тариф ва нархларда ёки шартнома асосида ҳамда айрим ҳолларда Ўзбекистон Республикаси қонун – қоидаларига мувофиқ давлат томонидан белгиланган нархларда сотишни амалга оширади.

Давлат антимонопол қонун қоидаларига мувофиқ бозорда ҳуқумрон (устун бўлган) ҳолатни эгаллаган корхона маҳсулотлари нархини бошқариш ҳуқуқига эга.

Тадбиркор давлат ва хорижий давлатлар банклари кредитларидан ҳамда тижорат банкларининг чет эл валюталаридан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Тадбиркор мулк шаклидан қатъий назар ишчиларга меҳнат шароитини яратиш ва уларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида давлат қонунида кафолатланган минимал иш ҳақини таҳминлаган ҳолда мустақил равишда иш ҳақини шакли, системаси ва миқдорини белгилаши мумкин.

Ўзбекистон Республикасида кафолатланади:

- Тадбиркорлик фаолиятини қатнашчилари манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат, давлат органлари ва мансабдор шахслар томонидан корхоналар ҳақ ҳуқуқларини камситишга йўл қўймаслик;
- Мулк шаклидан қатъий назар корхоналар фаолиятига бир хил шартлар, шароитлар;
- Тадбиркорлик фаолияти субъектларини бозордан, табиий, меҳнат, молиявий, моддий ресурслардан фойдаланишда тенг ҳуқуқлилик;
- Корхона мулкани ноқонуний мусодара қилишдан ҳимоялаш;
- Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга бўлган талабга кўра иш ва хизматлар бажариш, шартномалар тузиш ва бошқаларда мустақил иш юритиш.

Давлат барча турдаги қуроллар ишлаб чиқариш, наркотик ва заҳарли моддалар, ароқ ва спиртли ичимликлар, тамаки маҳсулотлари, рудаларни, металллар ва радиоактив материалларни қайта ишлаш, ҳамда юқумли, асаб, анкологик касалликларни даволаш каби фаолиятларда яқка ҳокимликни (монополияни) сақлаб қолади.

Давлат тадбиркорларни қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга кафолат беради. Агар давлат ёки унинг органлари томонидан (компетенциясига) ва қонун талабларига мос бўлмаган акт(айрим ҳаракат)лар натижасида тадбиркор ҳуқуқлари бўзилса, тадбиркор бу актни ноқонуний эканлигини эҳтироф этиш (тан олиш) тўғрисида ариза ёзиб судга мурожаат этиш ҳуқуқига эга. Давлат тадбиркорликни рағбатлантириш мақсадида кичик бизнес (кичик корхона) доирасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорларга маълум даражада солиқ тўловлари бўйича енгиллик берди.

“Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги қонуннинг асосий қоидалари:

- шахсий мулкка қуйидагилар киради: ер майдонлари, корхоналар, бинолар, иншоотлар, дастгоҳлар, оммавий ахборот воситалари, турар жойлар, хонадонлар, пул маблағлари, қимматбаҳо қоғозлар;
- мулкнинг қиймати ва миқдори қонун орқали чегараланмайди;
- тадбиркор ёлланма меҳнатдан фуқаролар билан шартнома тузиш йўли билан фойдаланиши ҳуқуқига эга;
- мулкдор ўзи ташкил қилган корхонага мулкни бириктириши ва хўжаликни бошқариши ва эгалик қилиши ҳамда корхона кўрсатаётган фаолияти натижасида олинаётган фойданинг шартномада белгиланган миқдорида фойдаланиш ҳуқуқига эга;
- юридик шахс мулкдори ёки таъсисчиси агар таъсис шартномасида ёки қонунда кўрсатилмаган бўлса, шу юридик шахснинг мажбуриятларига жавоб бермайди;
- агар фуқаро ёки юридик шахс шахсий мулки бўлмаган бирор мулкка 5 йил, кўчмас мулкка 15 йил муддат давомида очиқ эгалик қилган бўлса, у ҳолда ана шу мулкнинг шахсий эгаси ҳисобланади;
- мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини фақат фавқулодда ҳолатларда давлат органлари қарори билан мол-мулкни, қийматини тўлаш шарти билан, мажбурий равишда давлат ихтиёрига олиши ёки қонунни бўзганлиги учун мусодара қилиши мумкин;
- давлат мулки ёки муниципал мулкни шахсий мулкка ўтказиш Республика давлат қонун қоидаларига биноан ўтказилади;
- қабул қилинган қарор Ўзбекистон территориясида яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқароликка эга бўлмаган шахслар мулкига тўла тааллуқлидир;
- Республика қонунлариги биноан тўзилган актларда мулкка эгаликни тўхтатиш тўғрисида кўрсатилган тақдирда, келтирилган зарарлар суд қарори билан мулк эгасига тўлиқ миқдорда қайтарилади;
- агар давлат ёки маҳаллий органлар томонидан мулкдорлар ҳуқуқини бўзувчи актлар чиқарилган бўлса, бундай актлар мулкдор даво аризасига

биноан суд орқали бекор қилинади. Бу ҳолда мулкдорга келтирилган зарарлар тўла ҳажмда (миқдорда) акт чиқарган орган ҳисобидан қопланади (тўланади).

Ишбилармонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг жамият ва республика олдидаги ҳамда ёлланган ишловчилар ва хўжаликдаги шериклари олдидаги ҳуқуқ ва мажбуриятларига узвий боғлиқдир.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари қуйидагилар:

- амалдаги қонун ва тузилган шартномадан келиб чиқадиган барча мажбуриятларни бажариш;
- ишга ёлланиб олинаётган фуқаролар билан шартномалар тузиш. Ёлланган ишловчиларнинг ўз манфаатларини ҳимоя қилиш учун касба уюшмаларига бирлашишлари тўсқинлик қилиши мумкин эмас;
- меҳнат шартномаларида ишловчиларга белгиланган малака даражасини, республика ҳукумати томонидан белгиланган минимал иш ҳақидан кам бўлмаган иш ҳақи миқдорини ва бошқа ижтимоий – иқтисодий кафолатларни инобатга олиш;
- давлат ижтимоий – суғурта фондига ёлланиб ишлаётган шахслар учун суғурта ажратмаларини республика қонунларида кўрсатилган усул ва белгиланган миқдорларда тўлаб бориш;
- амалдаги фойда ва йўриқномалар асосида атроф муҳит хавфсизлигини, ишлаб чиқариш санитария ва гигиенаси ҳамда маданиятини юксалтириш бўйича чора – тадбирларни амалга ошириш;
- ўзининг молиявий аҳволидан қатъий назар, шартнома асосида ишга жалб этилган барча ишчи – хизматчилар билан ҳисоб – китоб қилиш;
- истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига амал қилиш;
- мамлакат қонунларига биноан лицензияланиши кўрсатилган фаолият турларига белгиланган тартибда махсус рухсатнома (лицензия) олиш.

Мулкдор корхона очиш, дастгохлар ва воситалар келтириш, интеллектуал мулкка, даромадни шартномада кўрсатилган маълум қисмини олиш ҳуқуқи билан тўла эгалик қилиш имкониятига эга бўлади.

Қонунга мувофиқ, ҳар бир фуқаро турли йуналишдаги корхоналарга ўз мулкини пай сифатида қўйиши ва нафақат хўжалик тармоғи ташкил қилиш, балки ўз капитали, кўзғалмас ва интеллектуал мулкини қонун орқали рухсат берилган тадбиркорлик фаолиятига қўйиш орқали ҳам фойда олиши мумкин.

Тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири маркетинглар ва менежерлар тайёрлайдиган ўқув марказлари ва уларнинг тармоқларини, тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва тиклашга ёрдам кўрсатадиган турли хизмат турлари, маслаҳат берувчи бюро ва фирмалар ташкил қилишдир. Ҳар хил мулк шаклига эга бўлган корхона ва ташкилотлар томонидан тадбиркорлар жамоа ташкилотлари тизими шакллантирилади. Улар ичида энг йириги ва юқори обрўга эга бўлганлари: илмий – саноат ассоцияцияси, тадбиркорлар ва ижарачилар иттифоқлари, товар ишлаб чиқарувчи ва тадбиркорлар палатаси ва бошқалардир.

2.2. Тадбиркорлик муҳити ва унга таъсир этувчи омиллар таҳлили.

. Кичик бизнесда ҳар қандай хўжалик субъекти учун бозор муносабатларига ўтиш ноаниқлик ва таваккалчиликнинг ошиб бориши билан боғлиқ. Корхона ва алоҳида тадбиркорлар ички ва ташқи бозорларда мустақил шартнома тузиш ҳуқуқини қўлга киритганларидан кейин, биринчи марта, муттасил ўзгариб турадиган бозор конъюктураси шароитида хўжалик фаолиятининг муқобил йўналишларини танлаш муаммосига дуч келадилар.

Тадбиркорлик муҳитининг корхонанинг бозор иқтисоди шароитида ички ва ташқи омиллари, ишчанлик фаоллиги ва молиявий барқарорлигини таъминловчилиги жуда ўзгарувчандир. Шунинг учун уларни доимий равишда кузатиш ва назорат қилиш керак бўлади. Бу эса хўжалик таваккалчилигини бошқариш имконини беради ва ишбилармонлик фаолиятининг самарадорлигини оширади.

Тадбиркорлик муҳити деганда лаёқатли фуқароларнинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун иқтисодий эркинликни таъминловчи барча бозор субъектлари эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган мамлакатда мавжуд қулай ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, фуқаролик-ҳуқуқий, ҳолатларни тушуниш лозим

Тадбиркорлик ташқи муҳити:

- Мамлакатда ва ҳудудларда иқтисодий ҳолат;
- Жамият ва давлат барқарор ривожланишини тавсифловчи сиёсий ҳолат;
- Тадбиркорлар ва бошқа бозор иқтисодиёти субъектларининг ҳуқуқ, мажбуриятлари, жавобгарлигини аниқ белгиловчи ҳуқуқий муҳит;
- Тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш;

- Аҳолининг (истҳемолчилар) тўлов қобилиятига эга талаби даражаси, ишсизлик даражаси билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий ҳолат;

- Тадбиркорлик бизнесининг маълум бир тури билан шуғулланиш имкониятини таъминловчи аҳоли маълумоти даражасини тақозо этган маданий муҳит;

- Илмий-техник, технологик муҳит;

- Фаолиятнинг маълум турларни ривожлантириш учун зарур ишлаб чиқаришнинг табиий омиллари миқдорининг етарли даражада мавжудлиги;

- Тадбиркорлик ташкилотлари фаолият кўрсатиш жараёнига таъсир этувчи иқлим (об-ҳаво) шароитлари билан боғлиқ физик муҳит;

- Табиий бўҳронларнинг йўқлиги;

- Тижорат операцияларини, ишбилармонлик алоқаларини амалга ошириш имкониятимни таъминловчи етарли сондаги ташкилотлар мавжудлиги тўғрисида гувоҳлик берувчи институционал-ташкилий муҳит ва ҳақозо.

Тадбиркорлик ички муҳити:

- Зарур хусусий капитал ҳажми мавжудлиги;

- Корхона ташкилий-ҳуқуқий шаклини тўғри танлаш;

- Фаолият предметини танлаш;

- Ҳамкорлар командасини танлаш;

- Бозорни билиш ва маркетинг тадқиқотларини малакали ўтказиш;

- Кадрларни танлаш ва персонални бошқариш, уни моддий рағбатлантириш;

- Тадбиркорлик сирини сақлаш механизми ва бошқалар.

Тадбиркорлик муҳитига сиёсий вазият, иқтисодий аҳвол, қонунчилик асоси, халқнинг ижтимоий – маданий савияси тармоқларнинг илмий техника тараққиёти даражаси, табиий – иқтисодий шароит ва бозорнинг ўзига мос таркиби, яъни конъюктураси таъсир кўрсатади. Агар кўрсатилган ишбилармонлик муҳитининг ҳар бир элементини таҳлил қилсак, у ҳолда

уларнинг ҳозирги кичик базис даражасини қониқарли деб ҳисоблаш мумкин ва у республика кичик бизнеснинг тараққиётини таъминлай олади. Аммо, мулкни ҳимоя қилувчи ва шартномаларга амал қилишни кафолатловчи, қонунчилик тизимининг йўқлиги, товарлар ҳаракатининг қатъий тартибга солиниши, экспорт учун махсус рухсатнома лицензия бериш тизимининг мураккаблиги, экспорт учун бож тўловларининг мавжудлиги, ҳуллас амалда мол – мулкга Давлатнинг яккаҳокимлиги кичик бизнесда хўжалик юритувчи субъектларнинг таваккалчилигини сезиларли даражада оширади.

Таваккалчилик – юзага келиши мумкин бўлган хавф – хатарга қарамай амалга ошириладиган фаолиятдир. Шунинг учун таваккалчилик деганда бевосита у билан боғлиқ бўлган хавф – хатар ҳам тушунилади.

Тадбиркор учун хос бўлган хусусият, бу шартли таваккалчиликка бориш, яъни фойда кўришни кўзлаш.

Тадбиркорлик муҳитига албатта тадбиркорлик субъектлари ўз таъсирини ўтказди. **Фуқаролар** (жисмоний шахслар) деганда Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади {1}.

Ўз мулкига, хўжалик юритишида ва оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулккий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари ҳуқуқлари.

- Қонун ҳужжатларига мувофиқ ўзига тегишли мол-мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш;
- Мустақил равишда ишлаб чиқариш дастурини шакллантириш, маҳсулот етказиб берувчиларни ва ўз маҳсулотининг (ишлари, хизматларининг) истҳомолчиларини танлаш;

- Тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад(фойда) олиш ва уни ўз ихтиёрига кўра тасарруф этиш, товарлар (ишлар, хизматлар) бозорида устун мавқени эгаллаб турган тадбиркорлик фаолияти субъектлари бундан мустасно;

- Ўз маҳсулотини (ишлари, хизматларини), ишлаб чиқариш чиқиндиларини бозор конъюнктурасидан келиб чиқиб, мустақил равишда белгиланадиган нархлар ва тарифлар бўйича ёки шартнома асосида реализация қилиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

- Бинолар, иншоотлар, ускуналар ва бошқа мол-мулкни олиш ва (ёки) ижарага олиш, шу жумладан лизинг йўли билан;

- Белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш.

Тадбиркорлик фаолияти субъектлари мажбуриятлари.

- Ўзлари тузган шартномалардан келиб чиқадиган шартномаларни бажаришлари;

- Ёллаш асосида жалб этилган ходимлар билан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилишлари;

- Хавфсизлик, экология, санитария, гигиена, ва меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этишлари;

- Реализация қилинадиган товарлар учун қонун ҳужжатларига мувофиқ сертификатларга эга бўлишлари;

- Почта манзили ва бошқа реквизитлари ўзгарганлиги тўғрисида тегишли давлат органларини ўз вақтида хабардор қилишлари;

- Бухгалтерия, тезкор ва статистика ҳисобини қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ юритишлари;

- Ўз фаолиятлари тўғрисидаги ҳисоботларни тегишли органларга белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этишлари шарт.

Маданиятли ва улгурувчи тадбиркорлар қуйидаги белгиларга эга бўлиши лозим: виждонли, компетентли, мақсадга интилувчанли, ташаббускор, пешқадамлик юзага чиқариши, бошқалар фикрини ҳурмат қилиши,

одамларга позитив ёндошиши, доимо ўқиши, рискни қабул қилишга тайёр бўлиши, атроф муҳит зиддиятларини енгиб ўтишни билиши, қўйилган мақсадларга эришишда қаттиятлик қилиши, жавобгарлик ҳиссига эга бўлиши, қайсарлик, катта ирода кучига, ижодий бошланишга эга бўлиши, меҳнатсевар бўлиши ва юқори иш қобилиятига эга бўлиши, зарур ҳамкорларни жалб қилишни билиши, тижорат ва молиявий ақллар йиғиндисига эга бўлиши, унга тегишли нарсани қонуний йўл билан олишни билиши лозим.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланишининг ҳар томонлама қўллаб – қувватлаш шу соҳада аҳолининг иш билан бандлиги ва фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал қилиш ислохотлар давомида устувор йўналиш сифатида белгиланади. Бу борада ҳам Вазирлар Маҳкамасининг қарорида бир қатор аниқ чора – тадбирларни амалга ошириш вазифалари қабул қилинди.

Маълумки, Президентимиз И.А. Каримов Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали қуйидаги учта муҳим масаланинг ҳал этиши кўзда тутилишини белгилаб берган эди:

1. яқин беш –ўн йил ичида ушбу соҳада ЯИМнинг 50 – 60 фоизини ишлаб чиқаришга эришиш;
2. бу соҳани ривожлантириш аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг даромадлари ўсишининг энг муҳим манбаларидан бирига айланиши;
3. мамлакатимиздаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликнинг пойдевори бўлмиш кичик ва ўрта тадбиркорлик синфини шакллантириш.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторининг шаклланишини ва мустаҳкамланишида савдо – саноат палатаси, деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси, “Мадад”, “Кафолат”, “Ўзагросуғурта” каби қатор суғурта компаниялари, Республика бизнес инкубаторлари, Деҳқон ва фермер хўжаликларини қўллаб – қувватлаш жамғармаси, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаси қилиш вазирликнинг иш билан таъминлашга

кўмаклашиш жамғармаси каби бюджетдан ташқари жамғармаларининг роли жуда ката бўлди.

Тадқиқотимиз объекти ҳисобланган Фарғона вилоятида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг фаоллик даражаси қуйидаги кўрсаткичлар билан тавсифланади.

Статистик маълумотларга кўра Фарғона вилоятида рўйхатдан ўтган тадбиркорлик субъектлари сони 2008 йилда 42100 тани ташкил этди, бу 2007 йилга нисбатан 116,0 фоизни, республика кўрсаткичининг 9,7 фоизини ташкил этди ва Фарғона водийси вилоятларига нисбатан юқори бўлди, жумладан, Андижон вилоятига қараганда бу ерда 26,9 фоизга, Наманган вилоятига қараганда 64,2 фоизга кўр тадбиркорлик субъектлари рўйхатга олинди.

Рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектларининг 93,9 фоизи фаолият кўрсатмоқда. Бу кўрсаткич республикада 93,5 фоизни, Андижонда 94,0 фоизни, Наманганда эса 91,9 фоизни ташкил этади. Демак, Фарғона вилоятида бу кўрсаткич республика даражасидан бир мунча юқорироқдир.

Янгидан ташкил этилган кичик бизнес субъектлари республика бўйича камайиб бормоқда. Фарғона вилоятида 2008 йилда 2241 та тадбиркорлик субъекти ташкил этилди, бу республика кўрсаткичининг 10,2 фоизини ўтган йилга нисбатан эса 37,7 фоизни ташкил этди.

Тугатилган кичик бизнес субъектлари сони ҳам камайиб бормоқда. 2008 йилда 483 та тадбиркорлик субъекти тугатилди, бу 2007 йилга нисбатан 29,8 фоизни, республика бўйича умумий кўрсаткичнинг 4,9 фоизини ташкил этди.

Фарғона вилояти шаҳар ва туманлари бўйича рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектлари сонинг ҳудудий таркиби қуйидагича бўлди (2.2.1-жадвал). Маълумотлардан кўриниб турибдики, рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектлари сонига Фарғона (17,0 фоиздан 8,7 фоизгача), Қўқон (9,5 фоиздан 4,6 фоизгача), Қувасой (2006 йилдан 9,4 фоиздан 8,0фоизгача), Марғилон шаҳарларида (5,0 фоиздан 3,7 фоизгача) ва Боғдод

(2006 йилдан 5,9 фоиздан 5,1 фоизгача), Кува (2006 йилдан 6,8 фоиздан 6,2 фоизгача) туманларининг хиссаси 2004 йилдан 2009 йилгача камайди.

Бешарик (4,2 фоиздан 6,2 фоизгача), Риштон (4,6 фоиздан 6,7 фоизгача), Тошлоқ (4,0 фоиздан 4,5 фоизгача), Тошлоқ (4,0 фоиздан 4,5 фоизгача), Ўзбекистон (4,5 фоиздан 6,5 фоизгача) ва Фарғона (3,8 фоиздан 8,5 фоизгача) туманларининг хиссаси эса ошди. Қолган туманларда эса ўзгариш бўлмади.

2009 йил 1-январ ҳолатига рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектининг вилоят бўйича 93,6 фоизи фаолият кўрсатмоқда. Қувасойда 99,3 фоиз шахри ва Олтиариқ 96,5 фоиз, Охунбобоев 93,7 фоиз, Боғдод 95,8 фоиз, Бешарик 98,6 фоиз, Данғара 96,0 фоиз, Кува 98,1 фоиз, Сўх 99,1 фоиз, Тошлоқ 97,6 фоиз, Ўзбекистон 96,0 фоиз, Учкўприк 97,2 фоиз, Фарғона 94,3 фоиз, Фурқат 94,4 фоиз туманларида вилоят умумий даражасидан юқори Қўқон 88,3 фоиз, Марғилон 90,1 фоиз шаҳарлари ва Риштон 91,6 фоиз, Ёзёвон 89,9 фоиз туманларида эса аксинча кам бўлди (2.2.1.а – жадвал).

Фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг тармоқлари бўйича тақсимланиши 2.2.2 – жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, 2004 йилдан 2009 йил 1-январ ҳолатига қадар фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари сони 124 фоизга кўпайиб 2009 йил бошига 39286 бирликни ташкил этди.

Фаолият кўрсатаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши 2004 йил ҳолатидан 2009 йил 1- январ ҳолатигача саноатда (9 фоиздан 5 фоизгача), қурилиш (5 фоиздан 2,8 фоизгача), савдо ва умумий овқатланишда (16,2 фоиздан 11,1 фоизгача), соғлиқни сақлашда (2,0 фоиздан 1,3 фоизгача) камайди. Ташкил этилаётган даврда қишлоқ хўжалиги (63,2 фоиздан 74,3 фоизгача), транспорт ва алоқа (1,0 фоиздан 1,7фоизгача) соҳасида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари сони ошди (2.2.2 – жадвал). Шу жумладан, 2008 йил ҳолатига фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектларининг 71,1 фоиз кичик тадбиркорлардан 92,9 фоизи микрофирмалардан иборат бўлди. 2004 – 2008 йилларда қишлоқ хўжалигидаги кичик корхоналар (26,5 фоиздан 47,1 фоизгача) улуши,

қурилиш (3,5 фоиздан 4,7 фоизгача), транспорт ва алоқа (4,0 фоиздан 3,8 фоизгача) ошди, саноат (12,5 фоиздан 6,8 фоизгача), савдо ва умумий овқатланиш (36,7 фоиздан 26,8 фоизгача), соғлиқни сақлашда (11,0 фоиздан 7,4 фоизгача), маориф ва маданият соҳасида (0,8 фоиздан 1,1 фоизгача) эса камайди.

Айниқса, фан ва илмий хизмат кўрсатиш соҳасидаги тадбиркорлик, афсуски, жуда кам даражада масалан, 2004 йилда уларнинг сони 53 та бўлиб, уларнинг 0,8 фоизини кичик корхоналар сифатида 15 та 38 таси микрофирмалар сифатида фаолият кўрсатмоқда. Микрофирмаларнинг иқтисодий тармоқлари бўйича тақсимланишда ҳам қишлоқ хўжалиги етакчи ўрин тутди (76,4 %), саноат (4,9%), савдо ва умумий овқатланиш (9,9%) эса сал камроқни ташкил этади.

Хулоса қилиб айтганда, фаолият учун яратилган қулай шарт – шароитлар натижасида мамлакатимиздаги кичик бизнес корхоналари ривожланиб, уларнинг сони ўсиб бормоқда.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг солиқ юкини янада камайтириш, микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўловининг 10 фоиздан 8 фоизга 2009 йилдан бошлаб эса 7 фоизга туширилиши, жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ставкаларининг камайтирилиши ва айни пайтда уни ҳисоблаш тартибларининг такомиллаштирилиши тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесни изчил ривожлантириш учун кучли рағбатлантирувчи омиллар яратди.

2.3. Жаҳон молиявий иқтисодий шароитида Ўзбекистонда тадбиркорликнинг ривожланиш кўрсаткичлари таҳлили.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан чиқарилган бир қатор фармон ва қарорлар асосида тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини тушунтириш, амалдаги қонун ҳужжатлари, текширишларни тартибга солиш бўйича қабул қилинган қарорлар билан амалиётга жорий этилган янги меъёрларни, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун яратилган енгиллик ва имтиёзларни уларга етказиш борасида кенг қўламли тушунтириш ва профилактик ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Мамлакатимизда кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажми ўтган йили салкам 22 фоизга кўпайди. Бу саноат тармоғидаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан анча кўпдир. Бунинг натижасида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2007 йилдаги 45,5 фоиздан 2008 йилда 48,2 фоизга кўтарилди. Бугунги кунда мамлакатимизда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 76 фоиздан кўпроғини айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани айниқса эътиборлидир.

Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармаси томонидан олинган маълумотларга кўра вилоятда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сони 2009 йил 1-апрел ҳолатига 40251 тани ёки 94,1 фоизни, янги ташкил этилган кичик бизнес субъектлари сони 1088 тани, фаолияти тугатилганлар 2695 тани ташкил этган.

Фаолият кўрсатмаётган кичик бизнес субъектлари таҳлил қилинганда, 1153 та хўжалик юритувчи субъект айланма маблағлари йўқлиги, 177 та хом ашё йўқлиги, 48 та биноси йўқлиги, 207 та ер майдони йўқлиги ҳамда 922 таси бошқа сабабларга кўра фаолият юритмаётганлиги маълум бўлди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига мамлакатимизда яратилган шарт-шароитлар, берилаётган имтиёзлар, вилоятдаги инвестицион

муҳит ҳақида Фарғона, Марғилон, Қўқон ва Қувасой шаҳарларида “Бизнес Форум” ўтказилди. Молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича вилоят тижорат банклари томонидан 2009 йил давомида барча молиялаш манбалари ҳисобидан 98898,8 млн.сўм кредитлар ажратилиши бўйича прогноз кўрсаткичлар белгиланди. 2009 йил 1 апрел ҳолатига 28834,5 млн.сўм кредитлар берилди. Шундан, ишлаб чиқариш соҳасига 4941,6 млн.сўм, ноишлаб чиқариш соҳасига 23893,0 млн. сўм кредитлар ажратилди. Шунингдек, бюджетдан ташқари фондлардан 205,0 млн.сўм, тижорат банклари ҳисобидан 28629,5 млн.сўм, бошланғич сармояни шакллантириш учун 92,7 млн.сўм, микрокредитлар бўйича 10782,0 млн.сўм ажратилди.

Хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётда соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини қўпайтириш мақсадида “2008-2010 йилларда зарар кўриб ишлаётган паст рентабелли, иқтисодий ночор ва истиқболсиз корхоналарда ҳамда товар бозорларида устун мавқени эгаллаб турган тармоқларда кичик бизнес корхоналарини ташкил этиш дастури ишлаб чиқилди” ва вилоятимизда шу дастурга мувофиқ аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида 2009 йил 1-чорак топшириқларни бажарилиши бўйича кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш ҳисобига вилоят дастурида 5828 та янги ишчи ўрин белгиланган бўлиб, амалда 5972 тага, ёки 102,5 фоизга бажарилди. Фаолияти тўхтаган кичик бизнес корхоналарини фаолиятини тиклаш ҳисобига дастурда 161 та иш жойлари яратиш режалаштирилган бўлиб, ҳақиқатда 5694 тага, ёки 108,3 фоизга бажарилди.

2.4. Кичик корхоналар самарадорлик кўрсаткичларининг таҳлили.

Ўтган йиллар давомида мамлакатимиз ижтимоий – иқтисодий ҳаётида аҳамиятли ютуқлар, белгиланган устувор йўналишлардан келиб чиқувчи вазифаларни амалга оширишда салмоқли натижа ва сезиларли ўзгаришлар кўлга киритилди. Президентимиз мамлакат ялпи ички маҳсулотининг юксак ўсиш суръатлари ва макроиқтисодий ривожланиш натижалари, олтин-валюта захирасининг ошиши ва тўлов балансининг барқарорлигини таъминлайдиган экспорт ҳажмининг мисли кўрилмаган даражада кўпайиши каби ижобий ҳолатларнинг Халқаро валюта жамғармаси томонидан юксак даражада баҳоланишини қувонч билан қайд этдилар.

Мазкур манба ва омилларнинг таъсири натижасида мамлакатимизда асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилишида аҳмиятли ютуқларга эришиб келинмоқда.

Президентимиз жаҳон молиявий инқироzi мамлакатимизнинг 2008 йилдаги ижтимоий – иқтисодий ривожланишига салбий таъсир кўрсатканлигини таъкидлаб ўтдилар.

“Бундай таъсир, - деб ёздилар Президентимиз ўз асарларида, - авваламбор, умуман, дунё бозоридаги талаб ва нархларнинг кескин тушиб кетишида ва табиийки, мамлакатимиз экспорт қиладиган маҳсулотларнинг муҳим турларига нисбатан ҳамда экспортга йўналтирилган етакчи тармоқлар ва улар билан боғлиқ турдош корхоналар фаолиятида намоён бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида бутун иқтисодиётимизнинг мутаносиб ва самарали ривожланишига салбий таъсир кўрсатмоқда, кўзда тутилган лойиҳаларни амалга ошириш, ўз олдимизга қўёган мақсадларга эришиш йўлида кўплаб муаммоларни туғдирмоқда. Мухтасар айтганда 2008 йил биз учун, биринчи навбатда, мамлакатимиз меҳнаткашлари учун ғоят мураккаб ва оғир бўлди. Лекин юзага келган барча муаммо ва қийинчиликларга қарамай, ҳалқимизнинг фидокорона меҳнати ва амалга оширилган тадбирлар эвазига

2009 йилда иқтисодиётимизнинг нафақат барқарор фаолият кўрсатишига, балки унинг юқори ўсиш суръатларини изчил таъминланишига эришилди.”

Барчамизга маълумки, 2008 йилда мамлакатимизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор йўналишлари белгилаб берилган эди. Ушбу устувор йўналишлардан келиб чиқувчи вазифаларни амалга оширишда салмоқли натижа ва сезиларли ўзгаришлар қўлга киритилди: иқтисодиётнинг юқори барқарор суръатлар билан ўсиши ва макроиқтисодий мутаносиблиги таъминланди, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш, техник ва технолигик янгилаш ишлари давом эттирилди.

2008 йилнинг жаҳон мамлакатлари, шу жумладан, Ўзбекистон Иқтисодиёти учун ғоят мураккаб ва оғир бўлганлигига қарамай мамлакатимизда асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг юқори даражасига эришилди.

Худудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда қўллаб – қувватлаш бўйича амалга оширилган ишларда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари, шунингдек, “Худудий дастурлар”нинг ижроси ўз самарасини бермоқда(2.3.1-расм)

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ЯИМдаги улуши 2008 йилда Фарғона вилоятида 41,8 фоизни ташкил этди бу республикага нисбатан 1,6 фоизга, 2007 йилга нисбатан 0,7 фоизга кўпдир. Фарғона водийсининг Андижон вилояти кўрсаткичидан 1,5 фоизга кўп, Наманган кўрсаткичидан эса 21,1 фоизга камдир(2.4.1 – жадвал).

Кичик тадбиркорликнинг қишлоқ хўжалиги соҳасидаги улуши Фарғона вилоятида 97,4 фоиз бўлиб, бу 2007 йилга нисбатан 0,3 фоизга кўп. Республика кўрсаткичидан 0,4 фоизга камдир. Бу кўрсаткич Андижон ва Наманган вилоятларида анча юқори.

**Иқтисодий тармоқлари бўйича кичик тадбиркорлик
субъектларининг улуши¹**

2.4.1 – жадвал

Кўрсаткичлар	Республика		Андижон		Наманган		Фарғона	
	2007	2008	2007	2008	2007	2008	2007	2008
ЯИМ	38,1	40,2	40,2	40,3	60,6	62,9	41,1	41,8
Саноат	11,4	12,4	3,6	3,4	16,8	18,2	5,1	6,6
Қишлоқ хўжалиги	97,3	97,9	99,2	99,3	99,0	99,1	97,1	97,4
Қурилиш	49,2	55,4	78,1	89,0	62,7	71,7	61,0	68,8
Асосий капиталга кири- тилган инвестициялар	18,8	21,6	28,8	27,3	38,1	35,4	22,0	31,5
Пуллик хизматлар	47,9	46,7	59,0	53,2	52,3	64	60,4	57,7
Савдо	45,5	45,8	41,9	44,6	46,8	48,5	43,7	44,2
Экспорт	12,2	10,5	10,3	1,8	16,0	15,6	13,2	10,5
Импорт	34,1	34,8	5,5	7,5	64,4	51,7	13,0	28,5

Фарғона вилоятида аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 2007 йилда Республика (46,7%) даражасидан ҳам Андижон (59,0%) ва Наманган (52,3%) вилоятлари даражасидан ҳам юқори (60,4%) бўлиб, 2008 йилда анча камайди (57,7%). Шунга қарамай, Республика даражасидан юқориликча қолмоқда (11%га). Фарғона вилоятида савдо соҳасидаги тадбиркорлик 44,2%ни ташкил қилиб, Республика ва водий даражасидан кам бўлди. Кичик бизнеснинг импортдаги улуши 2007 йилдаги 13,0 фоиздан 2008 йилда 28,5 фоизга ошган, экспортдаги улуши эса 13,2 фоиздан 10,5 фоизга камайган.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг 2008 йил 1-апрелдан 2009 1-январ ҳолатигача иқтисодиётнинг асосий тармоқларидаги улушини алоҳида туманлар бўйича таҳлили шуни кўрсатадики, Олтиариқ тумани ялпи маҳсулоти таркибида саноатнинг улуши 16,6 фоиздан 93,5 фоизгача, Бувайда 25,5 фоиздан 93,4 фоизгача, Сўх туманида 86,9 фоиздан 93,3 фоизгача, Марғилон шаҳрида 76,9 фоиздан 92,4 фоизгача ошди. Вилоят кичик бизнес субъектларининг ЯХМ таркибида саноат маҳсулотининг улуши 6,2 фоиздан 7,6 фоизгача ошганлиги, лекин паст даражадалиги Қувасой шаҳрида саноат улушининг 1,7 фоиздан 1,2 фоизгачани, Фарғона шаҳрида

¹ Статистик маълумот манбаларидан.

2,0 фоиздан 2,8 фоизгачани, Тошлок туманида 1,9 фоиздан 3,8 фоизгача, Риштон туманида 10,3 фоиздан 3,7 фоизгача, Данғара туманида 79,2 фоиздан 12,5 фоизгача, Бешариқ туманида 20,3 фоиздан 9,8 фоизгачани ташкил этгани билан боғлиқдир (2.4.1-илова). Деярли барча туманларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 90 фоиздан катта қисми кичик бизнес томонидан яратилмоқда (2.4.2-илова). Қурилиш соҳасида эса Охунбобоев, Боғдод, Бешариқ, Бувайда, Қува, Риштон, Сўх, Тошлок, Учкуприк, Фарғона, Фурқат, Ёзёон туманларида 100 фоиз қурилиш маҳсулотлари кичик бизнес субъектлари томонидан яратилмоқда (2.4.3-илова). Асосий капиталга инвестицияларда кичик бизнеснинг улуши Охунбобоев (87,7 фоиздан 92,6 фоизга), Бешариқ (71,2 фоиздан 80,5 фоизга) туманлари ва Марғилон (37,5 фоиздан 38,8 фоизга) шаҳарларида деярли 50 фоиздан юқори бўлиши бу соҳанинг анча молиявий жиҳатдан барқарорлашиб бораётганлигидан далолат беради. Лекин айрим туманларда бу кўрсаткичнинг жуда паст даражада бўлиши ва бошқаларида эса кескин камайиши ҳисобига вилоят бўйича асосий капиталга инвестицияларда кичик бизнеснинг улуши 2004 йилдан 2008 йилгача 26,0 фоиздан 31,8 фоизгача қисқарди.

Олтиариқ, Бувайда, Сўх, Фарғона, Ёзёон туманлари экспортининг 100 фоизи кичик тадбиркорлар томонидан амалга оширилмоқда (2.4.4-илова). Олтиариқ, Охунбобоев, Бешариқ, Бувайда, Қува, Сўх, Ўзбекистон, Фарғона, Фурқат, Ёзёон туманларида эса импортнинг (100 %) деярли ҳаммаси шу соҳа субъектларига тўғри келади. Лекин Боғдод, Риштон, Ўзбекистон, Учкўприк, Фурқат туманларида 2004 – 2008 йилларда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан ҳеч қандай экспорт операциялари олиб борилмаганлиги ёки фақат импорт қилаётганлигини ижобий баҳолаб бўлмайди. 2.4.5-иловада янгитдан ташкил этилаётган кичик бизнес субъектларининг истиқбол кўрсаткичлари киритилган. Унга кўра, 2010 йилга бориб, вилоят бўйича 3313 та юридик шахс мақомига эга бўлган кичик бизнес субъектларини, 6453 та яқка тадбиркорлик субъектлари янгитдан ташкил этилиши мўлжалланмоқда.

Ҳукуматимиз томонидан кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларининг сонини 2010 йилга бориб 52 фоизга етказиш масаласи кўйилмоқда. 2.4.6 – иловада кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улушининг йиллар бўйича ўзгариш тенденцияси келтирилган. Ҳозирги пайтда кичик тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши 48,2 фоизга етган.

2008 йилда бандликнинг мулкчилик шакли бўйича таркибида кичик тадбиркорликнинг улуши республикада 73,2 фоизни ташкил этган ва меҳнатга лаёқатли аҳолининг 15,3 млн. тасини қамраб олган бўлса, Фарғона вилоятида бу кўрсаткичлар мос равишда 76,9 фоиз ва 1,6 млн. кишини ташкил этди. Андижон ва Наманган вилоятларида эса мос равишда 80,5 фоиз ва 1,4 млн. ҳамда 76,2 фоиз ва 1,2 млн. ни ташкил этмоқда. Кўриниб турибдики, аҳолиси зич жойлашган меҳнатга лаёқатли аҳоли улуши юқори бўлган Фарғона водийси вилоятларида кичик тадбиркорлик меҳнат бозоридаги тиғизликни юмшатишда муҳим омил бўлмоқда.

Рақамларга кўра Фарғона вилояти кичик бизнесда янги очилган корхоналар сони 2008 йилда 33,5 мингтани ташкил этиб, бу водий вилоятлари ичида юқори кўрсаткичдир (2.4.7 - илова).

Маълумотларга кўра, Фарғона вилояти ЯХМ да кичик тадбиркорлик субъектларининг улуши 2004 йилдаги 41,5 фоиздан 2008 йилдаги 55,0 фоизгача кўтарилган. Иш билан бандликнинг ҳудудий таркибида кичик тадбиркорликнинг улуши Олтиариқ (85,9%), Охунбобоев (89,1%), Боғдод (86,1%), Бешариқ (84,9%), Бувайда (84,4%), Данғара (80,7%), Риштон (83,6%), Сўх (80,7%), Тошлоқ (83,6%), Ўзбекистон (85,3%), Учкўприк (84,8%), Фарғона (84,5%), Фурқат (81,9%), Ёзёвон (83,4%) туманларида вилоят кўрсаткичидан юқори бўлди. Бунга асосий сабаб қишлоқ жойларида давлатга тегишли корхоналарнинг иттифоқ парчалангандан кейин фаолиятини тўхтатганлиги ва тугатилганлиги ҳамда асосий ишловчилар кичик бизнесда бандлиги билан боғлиқдир (2.4.8-илова).

III-боб. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози даврида тадбиркорликни ривожлантириш йўналишлари.

3.1. Тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб – қувватлаш чора-тадбирлари.

Инқирозга қарши чоралар дастурининг конкрет бўлимлари – белгиланган комплекс чора – тадбирлар қуйидаги асосий вазифаларни ҳал этишга қаратилган.

Биринчидан – корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жихозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жориш этиш. Бу вазифа авваламбор иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишлидир.

Бу ўринда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жихозлашни янада жадаллаштириш, замонавий, мослашувчан технологияларни кенг жорий этиш. Бу вазифа авваламбор иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, экспортга йўналтирилган ва маҳаллийлаштириладиган ишлаб чиқариш қувватларига тегишлидир.

Иккинчидан – жорий конъюктура кескин ёмонлашиб бораётган ҳозирги шароитда экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарнинг ташқи бозорларда рақобатдош бўлишини қўллаб – қувватлаш бўйича конкрет чора – тадбирларни амалга ошириш ва экспортни рағбатлантириш учун қўшимча омиллар яратиш, хусусан:

- айланма маблағларини тўлдириш учун корхоналарга Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериш;

- тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ихтисослашган, хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарни бюджетга барча турдаги солиқ ва тўловлардан – қўшимча қиймат солиғи бундан мустасно – озод қилиш муддатини 2012 йилгача узайтириш;

- банклар кредитлар бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорини қайта кўриб чиқиш, бюджетга тўланадиган тўловларнинг пенсиядан кечи шва бошқа муҳим имтиёз ва преференсиялар бериш.

Учинчидан – қатъий тежамкорлик тизимини жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтиришни рағбатлантириш ҳисобидан корхоналарнинг рақобатдошлигини ошириш. Шу мақсадда 2008 йили хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодиётимиздаги етакчи тармоқ ва соҳаларда маҳсулот таннархини камида 20 фоиз туширишга қаратилган чора – тадбирларни амалга ошириш борасидаги таклифлари маҳқулланганини қайд этиш лозим.

Тўртинчидан – электроэнергетика тизимини модернизация қилиш, энергия истеъмолини камайтириш ва энергия тежашнинг самарали тизимини жорий этиш чораларини амалга ошириш. Иқтисодиётимизнинг рақобатдошлигини янада кучайтириш, аҳоли фаровонлигини юксалтириш кўп жиҳатдан бизнинг мавжуд ресурслардан, биринчи навбатда, электр ва энергия ресурсларидан қанчалик тежамли фойдалана олишимизга боғлиқдир.

Бешинчидан – жаҳон бозорида талаб пасайиб бораётган бир шароитда, ички бозорда талабни рағбатлантириш орқали маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб – қувватлаш иқтисодий ўсишнинг юқори суръатларини сақлаб қолишда ғоят муҳим аҳамиятга эга.

2009 йилда хизмат кўрсатиш ва кичик бизнес соҳасини аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини оширишнинг энг муҳим омили сифатида янада жадал ривожлантириш – устувор вазифа бўлиб қолади. Бизнинг ижтимоий – иқтисодий сиёсатимизда кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга катта аҳамият берилаётган бир пайтда, кичик бизнеснинг ихчам ва ҳаракатчанлиги, бозор конъюктураси ўзгаришлари ва истеъмолчилар эҳтиёжларига нисбатан тез мослаша олиши уни жаҳон иқтисодий инқирози даврида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли даромадини ошириш борасида энг қулай ва мақбул воситага айлантиради.

Жумладан, янги ташкил этилаётган кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб – қувватлаш мақсадида Имтиёзли кредит жамғармасининг ресурс базасини икки баробар ошириш кўзда тутилган. Шу билан бирга, берилган имтиёзларнинг амал қилиш муддати узайтирилди, айланма маблағларни тўлдириш учун бериладиган кредитларнинг энг узоқ муддати 12 ойдан 18 ойга оширилди.

2009 йилнинг 1 январидан саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлов ставкаси 8 фоиздан 7 фоизга камайтирилди, молиявий, маиший ва бошқа хизматлар кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловидан 3 йил муддатга озод этилди. Шунингдек, Инқирозга қарши чоралар дастурида 2009 йилда хўжалик юритувчи субъектларни текширишлар сонини камида яна 30 фоизга камайтириш кўзда тутилган.

Инқирозга қарши ишлаб чиқилган дастур бизга аввало Ўзбекистон иқтисодиётини янда кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорларида ўзимизнинг мустаҳкам ўрнимизни эгаллаш, шулар асосида изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини муваффақиятли ҳал этиш учун ишончли замин яратади.

3.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг инвестицион фаоллигини ошириш йўллари.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга асосий устувор вазифа сифатида эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас. Албатта кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик барқарор иқтисодий ўсишни таъминлашда, истеъмол бозорини сифатли товарлар ҳамда хизматлар билан тўлдиришда, энг муҳими аҳолини иш билан бандлигини оширишда катта аҳамиятга эга.

Кичик корхоналарнинг молиялаштирилиши қуйидаги ички ва ташқи манбалар орқали амалга оширилиши мумкин:

- Молиялаштиришнинг ташқи манбалари — бюджет маблағлари, мақсадли банк кредитлари, акциялар эмиссиясининг маблағлари, лизинг, тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлари, маҳнавий бойликлар, бюджетдан ташқари ва нотижорат жамғармалар маблағлари;

- Молиялаштиришнинг ички манбалари — фойда, амортизация тўловлари, тўпланган пуллар ва тадбиркорларнинг жамғармалари, суғурта фаолиятдан олинган маблағлардан иборатдир.

3.2.1 — диаграммада Республикада кичик бизнесни молиялаштиришга тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар динамикаси келтирилган. Маълумки, 2005 йилда республикада кичик бизнес субъектларини молиялаштириш мақсадида “Микрокредит банк” АТБ тузилган. Бу эса кичик бизнесни молиялаштиришда муҳим ўрин тутмоқда. Рақамлардан кўриниб турибдики, ажратилган кредитлар миқдори 2004 йилда 353,7 млрд. сўмга ва 2001 йилга нисбатан 2 баробарга ошган, 2008 йилда эса 2004 йилга нисбатан 3,5 баробарга ошганлиги ва 2008 йилда 1251,0 млрд. сўмлик кредит маблағлари кичир тадбиркорликка йўналтирилган.

3.2.1 – жадвалда 2008 йилда Фарғона вилоятлари ҳудудларида кичик бизнес субъектларига ажратилган кредитларнинг тармоқ ва ҳудудий таҳлили келтирилган. 2008 йилга вилоят бўйича кичик бизнес субъектларига жами 161198,0 млн. сўмлик кредит маблағлари ажратилган, бу 2007 кўрсаткичига нисбатан 222,9 фоизни ташкил этди. Энг кўп кредитлар Фарғона (26442,8 млн. сўм), Қўқон (17753,3 млн. сўм), Марғилон (8277,5 млн. сўм), шаҳарларига ва Бувайда (9214,0 млн. сўм), Қува (10611,6 млн. сўм), Олтиариқ (8260,6 млн. сўм), Риштон (9649,9 млн. сўм) туманларига ажратилмоқда.

Жами ажратилган кредитлардаги қисқа муддатли кредитлар улуши 2004 йил 52,8%, 2005 йил 35%, 2006 йил 45,6%, 2007 йил 23,7%, 2008 йил 35,1%ни ташкил этиб, ўрганилаётган даврлар орасида энг катта улуш эгаллагани 2006 йилда экан. Узоқ муддатли кредитларда эса бу кўрсаткич 2004 йил 47,1%, 2005 йил 65%, 2006 йил 54,3%, 2007 йил 76,3%, 2008 йил 65,0%ни ташкил этиб, йилдан-йилга у ажратилаётган кредитнинг салмоқли қисмини эгалламоқда (3.2.1-жадвал).

Инвестицияларнинг турлари ва шакллари асосида тадбиркорлик, ишбилармонлик ва бошқа давлат томонидан тақиқланмаган фаолиятларни барча инвесторлар томонидан амалий равишда йўлга қўйиш, маблағлар сарфлаш ва уларни амалиётга татбиқ этиш чора-тадбирларининг йиғиндиси **инвестиция фаолиятини** англатади.

Бозор иқтисодиётида инвестиция фаолиятини фуқаролар, ҳуқуқий шахслар (корхоналар, фирмалар, акцианерлик жамиятлари ва бошқа типдаги мулк эгалари) ва давлат юритади.

Инвестиция фаолиятини йўлга қўйишда ҳар бир мулк эгаси, биринчи навбатда, ўз манфаатини кўзлаб ягона мақсадга, яъни фойда олиш ва самарага эришишни режалаштиради.

Инвестиция фаолиятини ташкил этишда ҳар бир мулк эгаси ишбилармонлик, тадбиркорликнинг моҳиятини чуқур англаган ҳолда иш юритиши лозим.

Мамлакатимиздаги таркибий ўзгаришларни амалга оширишда ҳам инвестиция фаолиятига эътибор қилган ҳолда инвестиция муҳитини яхшилашни унутмаслик лозим.

Инвестиция муҳити – бу мамлакатдаги инвестиция жараёнларига таъсир кўрсатувчи иқтисодий, сиёсий, меъёрий – ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа шарт – шароитлар мажмуи. Инвестиция муҳити энг аввало қуйидаги иқтисодий омиллар орқали белгиланади: табиий шарт – шароитлар, фойдали қазилмалар захиралари, ишчи кучи малакаси ва ўртача иш ҳақи даражаси, иқтисодий конъюнктура ҳолати, ички бозор сиғими ҳамда товарларни ташқи бозорда сотиш имкониятлари, кредит тизими ҳолати, солиқ, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилманинг ривожланганлиги, хорижий капиталга нисбатан давлат сиёсати, унга нисбатан имтиёзли шарт – шароитларнинг белгиланганлиги ва ҳ.к..

Инвестиция жараёнларини кучайтиришга қаратилган чора – тадбирлар натижасида 2008 йилда инвестиция ҳажми сезиларли даражада ортди. Иқтисодиётни ривожлантириш учун барча молиявий манбалар ҳисобидан 6,4 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестиция жалб этилди. Бу 2007 йил билан таққосланганда, 28,3 фоизга кўп бўлиб, ялпи ички маҳсулотга нисбатан инвестициялар ҳажми 23 фоизни ташкил этди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган хорижий инвестициялар ҳажмининг изчил барқарор ўсиб бораётгани эътиборлидир. 2008 йилда 1 миллиард 700 миллион АҚШ доллари миқдоридаги хорижий инвестициялар ўзлаштирилди. Бу 2007 йилдагига нисбатан 46 фоиз кўп демакдир. Энг муҳими, хорижий инвестицияларнинг 74 фоизини тўғридан – тўғри инвестициялар ташкил этди.

Мамлакатимиздаги инвестиция жараёнларининг такомиллашиб бораётганлиги намоён этувчи яна бир жиҳат – давлат бюджетидан молиялаштириш таркибидаги нисбатларнинг сезиларли даражада ўзгариб бораётганлиги ҳисобланади. Инвестиция жараёнларига давлат бюджетидан молиялаштирилган маблағлар динамикаси шуни кўрсатадики, агар 2005

йилда давлат бюджетдан молиялаштирилган маблағларнинг 36,2% республика бюджети, 63,8% маҳаллий бюджет ҳисобига таъминланган бўлса, 2009 йилда бу нисбат тегишли равишда 35,5% ва 64,5% ни ташкил этиши кўзда тутилмоқда.бу эса инвестиция жараёнларини молиялаштиришда маҳаллий бюджетларнинг иштироки ва роли кенгайиб бораётганлигини кўрсатади.

Иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни модернизация қилиш борасида стратегик муҳим роль ўйнайдиган лойиҳаларни амалга ошириш, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантиришда бундан икки йил аввал ташкил этилган, бугунги кунда 3 миллиард 200 миллион АҚШ долларида ортиқ низом жамғармасига эга бўлган Ўзбекистон Тикланиш ва тараққиёт фонди фаолиятига катта аҳамият берилмоқда.

2008 йилда иқтисодиётимизнинг турли соҳа ва тармоқлари бўйича муҳим ишлаб чиқариш объектларининг барпо этилишига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, мамлакатимиз бўйича инвестиция дастурларини амалга ошириш натижасида қарийб 250 миллиард сўмлик асосий фондга эга бўлган жами 423 та объект, жумладан, озиқ-овқат саноатида 145 та, қурилиш материаллари саноатида 118 та, енгил ва тўқимачилик саноатида 65 та, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳасида 58 та, кимё ва нефт-кимё саноатида 13 та, фармацевтика тармоғида 8 та объект ишга туширилди.

Ижтимоий соҳа объектларини қуриш ва фойдаланишга топшириш масалаларига устувор аҳамият берилиши натижасида 113 минг 200 ўқувчига мўлжалланган 169 та касб-ҳунар коллежи ва 14 минг 700 ўринли 23 та академик лицей қурилди ва реконструкция қилинди. Ижтимоий соҳада инвестиция жараёнларининг кучайтирилиши, айниқса, қишлоқ жойларида турли ижтимоий объектлар — болалар боғчалари, мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар, шифохоналар, қишлоқ врачлик пунктлари, спорт ва маданият иншоотлари ва бошқаларнинг барпо этилиши

пировардида ободончилик даражасининг юксалишига, халқимиз турмуш фаровонлигининг ошишига аҳамиятли таъсир кўрсатади.

Бу маълумотлардан кўринадик, ўтган йилда инвестицияларни жалб этиш борасида эришилган натижалар мамлакатимизнинг инвестицион фаоллиги янада ошаётганлиги ва бунинг натижасида инвестиция муҳити янада яхшиланганиб, бу эса, ўз навбатида иқтисодиётдаги муҳим таркибий ўзгаришларни изчил амалга ошириш имкониятининг кенгайганлигидан дарак беради ҳамда мамлакатимизга кириб келаётган валюта оқими иқтисодиёт барқарорлашишига олиб келади.

Ўзбекистонда кичик бизнесни молиялаштиришда лизинг маблағларининг аҳамияти ҳам ошиб бормоқда. Ҳозирги пайтда мамлакатимизда 50 та лизинг компаниялари ҳамда 29 та тижорат банклари томонидан лизинг хизматлари кўрсатилмоқда. 2008 йил I-чорагида улар томонидан кичик бизнес субъектларига ажратилган лизинг маблағлари 84,7 млрд. сўмни ташкил қилиб, бу 2007 йил I-чорагига (28,8 млрд. сўм) қараганда 2 бараварга кўпроқдир.

Минтақалар иқтисодиётининг реал секторига инвестициялар киритилишининг таҳлили қўшимча инвестициялар жалб қилишга ҳал бераётган бир қатор ҳал қилинмаган масалалар мавжудлигини кўрсатди. Жиддий муаммоларни ҳал қилиш ва хорижий инвестициялар учун минтақаларнинг жозибадорлигини ошириш учун:

- давлат инвестиция дастурларини тузиш ва йирик лойиҳаларни амалга оширишда минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражаси ва суръатларини ҳисобга олиш;

- ривожланиш даражасига кўра мамлакат минтақаларини гуруҳларга ажратиш ва шу асосда маблағ сарфлашнинг минтақавий устуворлигини белгилаш, ҳар бир минтақа манфаатларининг баланслашганлигини ҳисобга олиш, инвестиция жараёнининг табақалаштирилган чора-тадбирларини ишлаб чиқиш;

■ алоҳида, сусти ривожланган минтақалар бўйича бевосита хорижий инвестициялар жалб қилинишини рағбатлантириш, бунда лойиҳа ғояси ишлаб чиқиш ва банкларда экспертиза қилиш, амалга оширилишдан тортиб, олинган кредитлар қайтарилгунгача, минтақавий инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда саъй-ҳаракатларни бошқарувнинг ҳудудий органлари масъулиятини оширишга қаратиш;

■ хорижий инвестиция ва кредитлар жалб қилинишига амалий кўмаклашиш, ташқи бозорни ўрганиш, маркетинг тадқиқотларини тартибга солиш ҳамда мамлакат товарлари экспортга йўналтирилиши учун давлат бошқарув органлари ва нодавлат ташкилотлари фаолиятини жонлантириш;

■ ҳар бир минтақа учун маълумотларнинг ахборот-таҳлилий базаларини жорий қилиш ва минтақаларнинг инвестиция имкониятлари тўғрисида инвесторларни ахборот билан таъминлаш юзасидан амалий чора — тадбирларни ишлаб чиқиш, ҳар бир муайян минтақада кўргазма ва бизнес — семинарлар ўтказиш кабиларга эътибор қаратиш мақсадга мувофиқдир.

3.3. Иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва санациялаш масалалари.

Президентимиз ўз асарларида узоқ муддатга, яъни 2009 – 2014 йилларга мулжалланган дастур ишлаб чиқариш тўғрисидаги масалага алоҳида эътибор қаратдилар.

Давлат томонидан иқтисодиётни тартиблашнинг яна бир муҳим жиҳати молиявий санация (соғломлаштириш) ҳисобланади. Санацияда давлат корхоналарнинг молиявий аҳволини яхшилашга қаратилган молия тадбирларини ишга солади. Санация иқтисодиёт учун алоҳида корхоналарни танг ҳолатдан чиқариб уларни нормал ишлаб туришини таъминлаш ҳамда корхонларни оммавий банкрот бўлишига йўл бермасдан, рақобатчи корхоналар сонини керакли меъёрга сақлаб туриш масалаларини амалга оширилади.

Санациялаш йўллари кўп: корхона қарзини кечиб юбориш ҳисобидан тўлаш, қарзни тўлаш муддатини кечиктириш, қарз фоизни камайтириш ёки умуман олмаслик, корхонага солиқ бериш, солиқни кредитга айлантириш, корхонага буюртма бериб уни олдиндан тўлаш, субсидия ажратиш, корхонага экспорт юзасидан имтиёз бериш.

Субсидия ҳам давлат ўз сиёсатида қўллайдиган асосий молия воситалар сирасига киради. Субсидия давлат томонидан аниқ мақсад йўлида ишлатиш учун қайтариб олмаслик шарти билан ажратиладиган пул маблағидир. Субсидиялар иқтисодиётни девирсификациялаш (таркибан ўзгартириш), экспорт-импортни мувозанатлаштириб туриш, иновация ишларини йўлга қўйиш, айрим ҳудудларга Конверсия (ҳарбий ишлаб чиқаришдан халқга керакли товар ишлаб чиқаришга ўтиш) мақсадларида ажратилади. Айтилган ишлар серхаражат бўлганидан субсидия харажатларни бутунлай ёки қисман қоплаш учун бериладиган девирсификация катта жорий сарфларни талаб қилади, шу боис уларни давлат субсидияси ҳам иштирок этади. Субсидиялар экспортни ёки

тўхтатиб туриш учун ҳам ишлатилади. Субсидиялар мамлакат саноатни ўстириш учун ҳам берилади. Ташқаридан ҳам ашё ташқарига тайёр маҳсулот чиқарувчи корхоналар ҳам субсидиядан бўладилар.

Давлат техника янгиликларини жорий этиш, ресурсларни тежаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, ресурсларни иқтисодиёти сушт худудларга жойлаштириш, экспорт потенциалини ошириш дастурини ишлаб чиқади. Бу дастурларда давлат тавсияларига биноан иш тутган корхоналар давлатдан субсидия оладилар.

Шунга кўра, 2009 йилдаги иқтисодий дастурнинг яна бир муҳим устувор йўналиши - бошланган таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларини давом эттириш ҳисобланади.

Маҳаллий органлар ва тармоқ тузилмалари раҳбарлари томонидан сифатсиз маҳсулотни ишлаб чиқариш, эскирган техника ва технология асосида зарар кўриб ишлаётган корхоналарни сақлаб қолиш учун уринишларга мутлақо йўл қўйиб бўлмайди. Бундай корхоналар сони бугунги кунда 200 тадан ошиб, уларнинг аксарияти енгил ва озиқ – овқат саноати соҳасида сақланиб қолмоқда. Ҳолбуки, бу соҳаларда тез ўзгарувчан бозор талаби техника ва технологияни узоғи билан 5-7 йилда, ривожланган мамлакатларда эса бундан ҳам қисқа муддатларда ўзгартиришни талаб этади. Бундай вазиятни мазкур корхоналарни банкрот деб эълон қилиш йўли билан тубдан ўзгартириш даркор.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18-ноябрдаги ПФ-4053 сонли “Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйиш тадбирлари муҳим ҳисобланади.

Ушбу тадбирлар мамлакатимиздаги банкрот корхоналарни таркибий қайта тузиш ҳамда янги хўжалик фаолиятини йўлга қўйиш жараёнларини

сезиларли даражада тезлаштирди. Банкрот корхоналарни тугатишнинг янги механизмлари жорий этилиши билан уларнинг сони 2007 йилдаги 204 тадан 2008 йил охирига 67 тага қадар қисқарган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19-ноябрдаги Ф-4010 сонли “Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тўғрисидаги тартибни тасдиқлақлаш тўғрисида”ги Фармойиши билан иқтисодий ночор корхоналарнинг молиявий қобилятини тиклаш бўйича бир қатор имтиёзлар берилган. Жумладан, ушбу Фармойишга кўра банкрот корхоналар негизида янги ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектлар:

- Қўшимча қиймат солиғидан озод қилинди,
- Уч йил давомида фойда солиғи, ягона солиқ тўлови, мулк солиғи ва ер солиқларини тўлашдан озод қилинди.
- Бошқарув компанияларига берилган фойда солиғи ва ягона солиқ тўловидан икки йил давомида озод қилинди.

Бунинг натижасида собиқ банкрот ҳисобланган, эндиликда таркибий қайта тузиш орқали фаолиятини янгилаган корхоналарнинг кўрсаткичларида сезиларли ўзгаришлар рўй берди.

Шунингдек, юқорида қайд этилган меъёрий ҳужжатлар орқали тижорат банкларига ҳам муайян имкониятлар берилган. Жумладан:

- Банкрот корхона негизида устав жамғармаси 100% гача бўлган янги корхона ташкил этиш;
- Банкрот корхонанинг тугатилиши муносабати билан унга аввал берилган, қопланмаган кредитини, шу жумладан Ҳукумат кафолати билан берилган кредит суммасини банк кенгашининг қарори билан ҳисобдан чиқариш;
- Банкрот корхона учун малакали бошқарув компаниясини тузиш ва жалб қилиш;

- Банкрот корхонани тугатиш баҳосида сотиб олиб, унинг фаолиятини тиклаб, қайтадан бозор баҳосида сотиш ва ҳ.к.

2009 йилда кичик бизнесни янада қўллаб-қувватлаш вазифаси ҳар қачонгидан кўра муҳим аҳамият касб-этноқда. Чунки кичик бизнес янги-янги иш ўринларини яратиб, бизнинг шароитимизда иш билан банд аҳоли даромадининг 70 фоиздан ортиғини ташкил этмоқда.

Ягона солиқ тўлови ставкаси бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудлардаги чакана савдо, улгуржи ва чакана савдо фаолиятини юритувчи дорихоналар учун 1 фоизгача пасайтирилди. Бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудларда тадбиркорлик фаолиятини рўйхатдан ўтказиш йиғими белгиланган ставканинг 20 фоизи миқдорида, савдо корхоналаридан эса минимал ойлик иш ҳақи миқдорида ундириш белгиланди. Ўтган йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини молиявий ресурслар билан таъминлаш борасида ижобий ўзгаришларга эришилди. Иштиёзли кредит ставкалари, масалан, бизнесни бошлаш учун ажратилувчи кредит ставкаси 5%дан 3% гача пасайтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 4 мартдаги 36-сонли “маҳсулотларнинг монопол турларини мавсумий талабини ҳисобга олган ҳолда биржа савдоларига қўйиш механизмини такомиллаштириш тўғрисида”ги Қарорига мувофиқ Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасига монопол маҳсулотларни биржа савдоларига мажбурий қўйдириш бўйича ваколат ҳамда юқори ликвидли товарлар моддий балансларига тегишли ўзгартириш киритиш бўйича имконият берилди. Биржа хизматининг комисион харажатлари ўртача 25% гача пасайтирилди ва биржа савдоларида қатнашиш учун тўланадиган гаров пули 10% гача оширилди.

Тадбиркорлик учун енгиллик яратиш мақсадида қуйидаги тўловлар миқдорини камайтириш бўйича ҳужжатлар лойиҳаси ишлаб чиқилди:

- Архитектура-режалаштириш топшириғини ишлаб чиқишга кетадиган тўловлар – 2 мартагача;
- Экологик экспертизадан ўтказиш тўловлари – 20 фоиздан 90 фоизгача;
- Турар жойларни нотурар жой тоифасига ўтказиш харажатлари – 9 мартагача;
- Лойиҳалаш ҳужжатларини экспертиза қилиш харажатлари – 2 мартагача.

Шунингдек, банкда ҳисоб рақами очиш ва ёпиш учун олинадиган тўловлар умуман бекор қилинди. Инкирозга қарши чоралар дастурида 2009 йилда хўжалик юритувчи субъектларни текширишлар сонини камида яна 30 фоизга камайтириш кўзда тутилган.

Мамлакатимизда таркибий ўзгаришларни ва иқтисодиётни диверсификация қилиш жараёнларининг давом эттирилиши барқарор ва мутаносиб иқтисодий ўсишни таъминлаш, миллий иқтисодиётимиз рақобатбардошлигини ошириш ҳамда жадал тараққиётга эришишнинг муҳим омили ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида 2009 йилда давлат назорат органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларни текширишлар сони режа бўйича 386 та этиб белгиланган бўлиб, амалда 521 тани ташкил этди. Бу режага нисбатан 35,0 фоиз кўп, 2008 йилга нисбатан эса 22,8 фоизга камдир.

Республика ҳукумати хўжалик субъектларини асоссиз текширишларни қисқартириш ҳисобидан 2009 йилда текширишлар сонини 30 фоизга қисқартириш масаласини қўймоқда. Рақамлардан кўриниб турибдики, текширишлар сони 2008 йил даражасида камайган.

Хулоса

Тадқиқот жараёнида қуйидаги илмий хулосалар ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган:

1. “Тадбиркорлик”, “бизнес”, “тадбиркорлик фаолияти”, “кичик бизнес” назарияларининг амалиётга тадбиқи юзасидан шакллантирилган илмий хулосалар шуни кўрсатдики, миллий иқтисодиётда тадбиркорлик муҳити ва унинг мамлакат ижтимоий–иқтисодий сиёсатида тутган ўрни хусусидаги Ғуломов С.С.нинг ҳамда Ғозибеков Д.Ғ.нинг инвестицияларни молиялаштириш масалаларига бағишланган илмий хулосалари Ўзбекистон амалиёти учун муҳим амалий аҳамият касб этади.

2. Тадбиркорлик муҳити ва унга таъсир этувчи тадбиркорликнинг фаоллик даражаси ўрганилди ва Фарғона вилоятида 2001–2008 йиллар мобайнида фаолият юритаётган тадбиркорлик субъектлари сони 124% га ошганлиги ва рўйхатга олинган тадбиркорлик субъектларининг 93,9 %и фаолият кўрсатаётганлиги, бу эса ўз навбатида республика даражасидан юқорилиги (93,5%) аниқланди.

3. Кичик корхоналарнинг самарадорлик кўрсаткичлари таҳлили давомида миллий иқтисодиётимизда тадбиркорлик субъектларига яратилаётган қулай шарт-шароитлар натижасида Фарғона вилоятида ЯИМдаги улуши 2008 йилда 41,8 фоизни ташкил этди. Бу республикага нисбатан 1,6 фоизга юқори эканлиги ҳамда деярли барча туманларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 90 фоиздан катта қисми кичик бизнес томонидан яратилаётганлиги аниқланди.

4. Мамлакатимизда кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотлари ҳажми ўтган йили салкам 22 фоизга кўпайди. Бу саноат тармоғидаги ўртача ўсиш кўрсаткичидан анча кўпдир. Бугунги кунда мамлакатимизда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 76 фоиздан кўпроғи айнан шу соҳада меҳнат қилмоқда, лекин ўрганилган Фарғона вилоятида бу кўрсаткич 76,6 фоизни ташкил этиб, республика кўрсаткичидан ҳам ошди.

Таҳлилларимиз натижасида аниқланган муаммолар қуйидагиларни ташкил этди:

- ❖ Жойларда тадбиркорликка кўмаклашувчи бозор инфратузилмалари ташкилотнинг етишмаслиги ёки юқори савияда хизмат кўрсатмаётганлиги.

- ❖ 2007-2010 йилларда аҳоли бандлигини таъминлаш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб – қувватлаш ҳамда ривожлантириш ҳудудий дастурларида белгиланган асосий параметрлари бажарилмаяпти.

- ❖ Ҳудудларда фаолият юритмаётган тадбиркорлик субъектларининг улуши юқорилигича қолмоқда.

- ❖ Маҳаллий ҳокимият органларининг кичик бизнес вакиллари билан ўзаро ҳамкорликдаги алоқалари етарлидаражада йўлга қўйилмаган.

- ❖ Тадбиркорлик субъектларини ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтиришлари учун бино, ер ажратиш, газ ва электроэнергия таъминотидаги узилишлар (коммуникациялар) ва ҳоказолар.

Ҳудудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш муаммоларини ечиш бўйича қуйидагиларни таклиф ишлаб чиқилди:

- ❖ Нодавлат – нотижорат (бизнес – инкубаторлар, ўқув марказлари, колсалтинг хизмат кўрсатувчи марказлар) инфратузилмаларни ташкил этиш ва уларнинг моддий техник базасини мустаҳкамлаш;

- ❖ Дастурни прогноз параметрларини бажаришни таъминлаш ва унинг устидан доимий мониторинг ўтказиш мақсадида ташкил этилган ишчи гуруҳлар фаолиятини жонлантириш, дастурни бажарилишига даҳлдор бўлган ташкилотлар масъулиятини янада ошириш;

- ❖ Тадбиркорлик субъектлари билан учрашувлар ўтказиш;

- ❖ Ҳудудларда тадбиркорликни ривожлантириш муаммоларига бағишланган амалий семинарлар ташкил этиш;

❖ Туман ҳокимликлари ҳузуридаги тугатиш комиссиялари фаолиятини жонлантириш, бунда фаолият юритмаётган кичик ўрта бизнес субъектларининг ҳар бир соҳалари бўйича таҳлил қилиш ва натижаларини ойма – ой туман Мувофиқлаштирувчи Кенгаш йиғилишларида кўриб чиқиш;

❖ Мавжуд муаммо ва камчиликларни ўрганиш мақсадида сўровномалар ўтказиш (анкетирование).

Бу чора-тадбирлар Фарғона вилоятида кичик тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш орқали ҳудуднинг ижтимоий – иқтисодий ҳолатини яхшилаш имкониятини беради, деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари” тўғрисида Ўзбекистон Республикаси қонуни. 2000 йил 25 май.
2. Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш тўғрисида Ўзбекистон Қонуни. Тошкент 21 декабр 1995й.
3. “Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 14 июндаги ПФ 3619 - сон Фармони.
4. . Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисининг Қарори. «2008 йилда Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилда иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида». 2009 йил 14 февраль.
5. Каримов И.А. “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарини ўрганиш бўйича ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2009. – 120 б.
6. Чжен В.А. Ўзбекистонда тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизими. Т.: Ўзбекистон, 1995.
7. С.С.Ғуломов. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Тошкент, ТошДАУ 1998.
8. Предпринимательство. Учебник для вузов / Под ред. проф. В.Я. Горфинкеля, проф. Г.Б. Поляка, проф. В.А. Швандара. –М.: Банки и биржи, ЮНИТИ, 1999. – 475 с.
9. Дэн Штайнхофф, Джон Баерджнес. Основы управления малым бизнесом. Перевод с англ. –М.: БИНОМ, 1997.
10. Ғуломов С.С. Тадбиркорлик ва кичик бизнес. Т.: “Шарқ”, 2002й.
11. А.Абдуллаев, Қ.Муфтайдинов, Х.Айбешов. Кичик бизнесни бошқариш. Тошкент, “Молия” 2003. 192 б.
12. Ғозибеков Д.Ғ. Инвестицияларни молиялаштириш масалалари. – Т.: "Молия" нашриёти, 2003 й. 332 бет.
13. www.uz.ref.uz
14. www.ziyo.net